БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 72 (7519)
28 МАРТ
СЕШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Партия ва ҳукуматимиз қарорига жавобан жамоат чорвачилигини янада ривожлантирамиз (1-нчи бет).

СССР Электр станциялар министрлигига қарашли Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. — **У. Ҳасанова.** — Оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирамиз (2-нчи бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ. — Большевикча танқид ўрнига сафсатабозлик (2-нчи бет).

Ерни сифатли ҳайдаш ва чигитни барвақт экиш — пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир (3-нчи бет).

Отоқли совет композитори (3-нчи бет).

Варшавада Юлиан Мархлевский хотирасига бағишланган митинг (4-нчи бет).

Совет савдосини янада яхшилайлик

Совет кишилари моддий ва маданий фаровонлигининг тобора юксалиши большевиклар партияси ва Совет давлатининг халқимиз ҳаёти ва турмуши тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигининг жуда равшан ифодасидир. Совет кишиси ўз ҳаётининг мазмунида буюк ва сўнмас маъно борлигини билади, эртанги кунга зўр ишонч блан қарайди, келажак ҳаётининг янада порлоқ, гўзалроқ бўлишига қаттиқ ишонади ва бу блан фахрланади.

Ўртоқ Сталин бундан 16 йил илгари—ВКП(б) Марказий Комитетининг иши тўғрисида партиянинг XVII с'ездида қилган ҳисобот докладида «Мамлакат кўп савдо базалари, магазинлар ва дўконлар блан тўлган бўлиши керак. Бу база, магазин ва дўконлар орқали корхоналардан исте'молчига товар тўхтовсиз оқиб турши керак» деб айтган эди. Биз улуғ доҳи башорат қилиб айтган даврда, шаҳар ва қишлоқларимизда минг-минглаб магазин ва дўконлар аҳолига маданий хизмат кўрсатаётган, саноат ва қишлоқ хўжалигидан аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳамма нарсалар борган сари мўл-кўл бўлаётган даврда яшамоқдамиз.

Халқ фаровонлиги тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш—социалистик жамият тараққиётининг асосий қонуни, партия ва ҳукуматимизнинг мақсадидир. Шу сабабдан ҳам улуғ Ленин ҳамма вақт халқнинг эҳтиёжларига оталарча меҳрибонлик блан қараб, кенг меҳнаткашлар оммасининг талаблари, сўроқ ва истакларини қондириш учун ҳечнарсани аямади. Ўртоқ Сталин кишилар ҳақида, уларнинг турмуши ва эҳтиёжлари тўғрисида Ленин каби оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳарбир совет кишиси давлат ва партиянинг, улуғ Сталининг халқ фаровонлиги тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганлигини жуда яхши сезиб турибди. Шу сабабли ҳам халқимиз ўз йўлбошчиси, отаси ва ғамхўри улуғ Сталинга чин қалбидан миннатдорчилигини ҳамма вақт изҳор қилади!

Социалистик хўжалик системасида ишлабчиқаришнинг юксалиши планли равбарлик қилиш ва меҳнаткашларнинг моддий аҳволини, маданий савиясини мунтасил ошириш принципига бўйсундирилганлир. Аксинча, капиталистик мамлакатларда тамомила бошқача аҳволни кўрамиз. Рақобат, эшдият мислсиз авж олган капитализм мамлакатларида монополияларнинг манфаатлари кўзда тутилиб, милионларча меҳнаткашлар ишсизлик, очлик-қашшоқликкa маҳкум этилмоқда, аҳолининг моддий аҳволи тобора ёмонлашмоқда.

Совет кишиси социалистик жамиятнинг буюк афзалликларини, большевиклар партияси ва Совет давлати яратиб берган бахтли-қувончли ҳаётнинг юксак афзалликларини яр ифтихор блан ҳис этмоқдалар. «Нархларни камайтириш сиёсатининг муттасил амалга оширилиши натижасида совет пулининг харид қуввати ортмоқда, ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи тобора кўпаймоқда. Мол оборoти системали суратда кенгайтирилмоқда, кенг исте'мол моллари кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда. 1949 йилдаёқ аҳоли энг муҳим моллярни урушдан аввалдагига қараганда кўпроқ исте'мол қилди». (ВКП(б) Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган мурожаатидан).

Мамлакатимизда нарх-навонинг тобора камайиши, саноат моллари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлиши совет кишиси продаси ва шпончининг олижаноблигини кўрсатучи далилдир. Унинг бутун фаолиятини халқ манфаатларига, халққа хизмат қилишга бағишлаган большевиклар партиясининг сиёсати туфайлигина Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки йиллардаёқ нарх-навони қат'ият камайтириш, пишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақини, колхозчи деҳқонларнинг даромадини ошириш мумкин бўлди.

Нарх-наволарнинг яқинда, учинчи марта камайтирилиши орқасида эса аҳоли янада катта фойда кўрди. Шу блан бирга харидорларда савдо ходимларига талабчанлик гоят ошди. Бу нарса совет маданий савдосини кун сайин яхшилашни, савдо-сотиқ ишларида қаттиқ тартиб ўрнатишни, магазин ва дўконларда аҳоли эҳтиёжларини учун керакли бўлган ҳамма молларни кўпайтиришни тақозо қилади. Гарчи республикамизда саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари блан кенг савдо қилиш учун жуда қулай ва катта имкониятлар бор бўлса ҳам, аммо Ўзбекистон Савдо министрлигидан тортиб, айрим шаҳар ва район савдо ташкилотларигача бу имкониятлардан етарли фойдаланмаётирлар. Савдо ташкилотлари ишидаги асосий камчиликлардан бири, айрим жойларда социалистик мулкни яхши сақламаслик ва уни талон-торож қилиш фактларининг анчагина борлигидир. Ўзбекистон Савдо министрлиги эса бундай ҳолларга қарши кескин курашмаётир. Бунинг натижасида республикамизнинг айрим савдо шохобчаларида юз мингларча сўмлик давлат молини талон-торож қилиш ҳодисалари ҳам юз берган. Савдо ташкилотларида ишловчи раҳбар ходимларнинг (Ўзбекистон ССР Савдо министри Т. С. Султонов, Главторг бошлиғи В. Р. Новиков ўртоқлар) бепарволигидан фойдаланиб, айрим шахслар кўплаб пул ва молларни ўз шахсий манфаатлари учун ўзлаштирганлар. Тошкент шаҳридаги район пишчеторгларининг айрим дўконларида совет савдосининг принципларини очиқдан-очиқ бузиш ҳоллари рўй берган. Савдо ходими ниқоби остида бекиниб, аслида чайқовчилик блан шуғулланаётган кишилар, совет дўконларида давлат планига киритилмаган, асосий фактор ва ҳужжатларда кўрсатилмаган молларни (масалан «Ўртоқ» тамаки фабрикасида жойлашиб олган бир сиқим зараркунандачилар блан тил бириктириб, папирос, маҳоркаларни ўғирлаб дўконлар орқали ортиқча нарх блан сотдириб) пуллаганлар. Давлат ва халқ манфаатларига зарар етказучи бундай уруғнишларга қарши кескин зарба бериш лозим.

Совет савдо ходимига бутун халқ ишонади. Унинг қўлига давлатнинг жуда қимматли мулки ишониб топширилган! Савдо ходими шу юксак ишончга муносиб бўлиши, социалистик мулкни кўзқорачиғидай сақлаши, давлатнинг ҳарбир тийинини эҳтиётлик блан асраши, мол оборoти планини тўла бажариш учун бутун кучини аямай ишлаши, харидорларга маданий хизмат кўрсатиши керак.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган саноат молларини ва қишлоқ хўжалигида тайёрланган маҳсулотларни исте'молчига тезликда етказиб бериш катта аҳамиятга эга. Саноат моллари ва озиқ-овқат моларининг база ва омборларда, транспорт шохобчаларида чўкиб, тўхтаб ётишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Партия ва совет ташкилотларининг ба'зи раҳбар ходимларида совет савдосига такаббурлик блан, менсимай қараш, бу соҳада ишловчи кишиларга нисбатан нотўғри, қўпол муомалада бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Савдо ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни пок ва ҳалол меҳнат қилиш руҳида, социалистик мулкни ватанпарварларга хос ҳуш'ёрлик ва садоқат блан қўриқлаш руҳида тарбиялаш—партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари совет савдосига тобора ривожлантириш иши блан системали шуғулланишлари лозим. Чунки, ўртоқ Сталин та'лим бериб айтганидай, совет савдоси бизнинг ўз ишимиз, жонажон большевистик ишимиз, революцион ишимиздир.

ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Колхозларда беда экишнинг бориши

Республиканинг колхозларида беда экиш вақтоятда қониқарсиз бормоқда. 25 мартгача олинган ма'лумотларга кўра, областьларда беда экиш плани қуйидагича бажарилган:

Тошкент области	62,8 процент
Бухоро области	57,1 процент
Самарқанд области	57,0 процент
Андижон области	52,5 процент
Фарғона области	52,1 процент
Наманган области	49,1 процент
Қорақалпоғистон АССР	47,1 процент
Қашқадарё области	42,5 процент
Сурхондарё области	38,0 процент
Хоразм области	30,0 процент

Сурхондарё областида ва Фарғона водисида беда экиш айниқса судралмоқда. Бу областьларда беда экиш муддатлари ўтиб кетди.

Бирқанча районларда беда экиш агротехника қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон АССР, Қораўзак районидаги Ворошилов номли колхозда беда ҳайдалмаган ерга экилган.

Кўпчилик районларда беда уруғи етишмайди. Аммо мавжуд уруғларни тежабтергаб сарфлашга э'тибор берилмаётир. Қорақалпоғистон АССР Куйбишев районида беда уруғини талон-торож қилиш ҳоллари бор.

«Узглавзаготсортзерно» (бошқаручиси ўртоқ Гарин) колхозларни беда уруғи блан тезроқ та'минлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётир. Андижон, Фарғона ва Сурхондарё областьларига то ҳозиргача уруғ келтирилмаган.

Беда — пахта ҳосилини оширишда муҳим ўрин тутиши блан бирга, чорвачиликни ем-хашак блан та'мин этади. Ҳарбир районда, ҳарбир колхозда алмашлаб экиш планида кўзда тутилган миқдорда беда экиш энг муҳим вазифадир. Давлат томонидан берилаётган ёрдамдан тўла фойдаланиш, ички имкониятларни қидириб топиш, мавжуд уруғлардан унумли фойдаланиш, беда экиш сур'атини ҳартарафлама кучайтириш зарур. Беда экишни муваффақиятли тамомлаш маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Партия ва ҳукуматимиз қарорига жавобан жамоат чорвачилигини янада ривожлантирамиз

Чорвадорлар мусобақаси

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг маҳсулдор жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида чиқарган қарори Қорақалпоғистон АССР чорвадорлари ўртасида социалистик мусобақани янада оширib юборди.

Хўжайли, Тахтакўпир, Қораўзак ва Чимбой районларининг чорвадорлари чорва моллари сонини кўпайтириш, уларни яхши боқиш юзасидан янги социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Хўжайли районидаги «Социализм» ва Молотов номли колхозларининг Уст-Юрт яйловларидаги чорвадорлари бу йил ҳар 100 совлиқ қўйдан 120 қўзи олишга сўз бердилар.

Хўжайли район, Учунчи овул советидаги Киров номли колхозининг чорвачилик фермаларида чорва моллари сони 2.500 бошдан ошиб кетди. Колхозда 700 бошдан ортиқ ёш мол бор. Чорвадор колхозчилар қўшимча ҳақ тўлаш ҳақидаги қарор блан танишганларидан кейин, бирон молни ҳам нобуд қилмай боқишга қарор бердилар.

Тахтакўпир район, Тўртинчи овул советидаги Сталин номли колхозда Айманов ва Жаримбетов ўртоқлар стахановча ишламоқдалар. Улар ўтган йили чорва моларини яхши парвариш қилиб, ҳар 100 қўйдан 122 қўзи олган эдилар. Улар, ҳукуматнинг қарорига жавобан, ҳар 100 совлиқ қўйдан 125 тадан қўзи олиб, уни нобуд қилмай ўстиришга сўз бердилар. Колхоз фермасида қўзилатиш кампанияси бошланди. Ёш қўзилар иссиқ биноларда боқилиб, яхши ўсмоқда.

— Партия ва ҳукуматнинг қарори чорвадорлар тўғрисидаги сталинча ғамхўрликнинг яққол ифодасидир, — деди ўртоқ Ибот Жаримбетов.—Бу қарор бизни жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришга илҳомлантиради. Биз 1950 йил планини сўзсиз бажарамиз.

„Қизил чорвадор" совхози коллективининг мажбурияти

«Қизил чорвадор» қоракўлчилик совхози қоракўл қўйларининг туёғини кўпайтириш ва уларнинг зотини яхшилашда йилдан-йил катта муваффақиятларга эришмоқда. Ҳозир совхознинг 4 та қўйчилик фермасида бирнеча ўн минг яхши насли қоракўл қўйлари бор.

Совхоз чорвадорлари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорига жавобан бу йил ҳар юз совлиқдан 125 тадан қўзи олиш мажбуриятини олдилар. Қўзилатишнинг дастлабки якунлари бу мажбуриятнинг бажарилишидан дарак бермоқда. Ўртоқ Маматкулов бошлиқ иккинчи ферманинг 36-нчи отаридаги 70 совлиқдан 40 таси эгиз туғди. 35-нчи отардаги 80 совлиқдан 118 қўзи олинди.

Мамлакатга кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб берайлик

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Областьнинг колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани (1949—1951 йиллар)» ҳақида чиқарган қарорининг қандай бажараётганлиги тўғрисидаги қарорини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Булунғур районидаги Охунбобоев номли колхозининг а'золари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорини э'тибор блан муҳокама қилдилар. Бу йил колхозда янги паррандачилик ва чўчқачилик фермалари ташкил қилинди. Колхоз 1949 йилда давлатга чорвачилик маҳсулоти топшириш мажбуриятини тўла бажарди. Партия ва ҳукумат қарорини муҳокама қилишга бағишланган колхоз умумий йиғилишида чорвадорлар мамлакатга янада кўпроқ маҳсулот етказиб бериш мақсадида зиммаларига янги мажбуриятлар олдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан чўпон ўртоқ С. Мамадалиев бундай деди:

— Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати чорвачиликни янада ривожлантиришга катта э'тибор бермоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашларининг моддий аҳволини янада яхшилаш, саноат учун хомашё ёни кўпайтириш мақсадида, биз, чорвадорлар, ҳормай толмай меҳнат қилмоғимиз керак. Мен 32 сигирни боқаётирман. Ҳозир уларнинг ҳаммаси болалади. Мен ҳамма бузоқларни яхши боқиб, нобуд қилмай ўстириш мажбуриятини оламан.

Сут соғучи С. Сатторова сўз олди.

— Ўтган йили,—деди ўртоқ Сатторова,—мен ҳарбир сигирдан пландагига қараганда 150 литр кўп сут соғдим. Бу йил мен ўзимга бирктиб қўйилган ҳарбир сигирдан нормадагига қараганда 250 литр кўп сут соғишга сўз бераман.

Колхознинг бошқа а'золари ҳам зиммаларига катта мажбуриятлар олдилар. Колхознинг чорвадорлари 1951 йил 1 январьгача учйиллик пландаги ҳамма топшириқларни бажариб, давлатга 1949 йилдагига қараганда анча кўп жун, гўшт, ёғ ва сут топширишга қарор қилдилар. Бу йил колхозда молхона, бузоқхона қурилади, ем-хашак тайёрлаш ишлари тамомила машиналаштирилади.

Жиззах, Қорақишлоқ, Норпой, Пойариқ ва бошқа районларнинг чорвадорлари ҳам СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорини кизғин муҳокама қилмоқдалар. Чорвадорлар учйиллик планни бажариш соҳасидаги ишларни таҳлил қилиб, чорвачилик маҳсулотини кўпайтиришга ёрдам берадиган янги амалий тадбирларни белгиламоқдалар.

Илғор чорвадорларнинг муваффақияти

ТЕРМИЗ, 25 март. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Сурхондарё областининг Узун районидаги «Янги рўзғор» колхозида жамоат чорвачилиги тобора ривожланмоқда. Кейинги йиллар ичида колхознинг қўйчилик, қорамолчилик ва йилқичилик фермаларида чорва моллари икки-уч баравар кўпайди. Янги паррандачилик фермаси ташкил этилди. Колхоз 1949 йилда давлатга гўшт, тухум, ёғ, жун, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш планини ошириб бажарди.

Колхоз чорвадорлари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг колхоз ва совхозларда жамоат маҳсулдор чорвачиликни ривожлантириш учйиллик плани қандай бажарилаётгани тўғрисидаги қарорини радио орқали эшитиб, чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан янги мажбуриятлар олдилар.

Колхоз раиси ўртоқ Жумабой Пиримзаров бундай деди:

— Колхозимизда жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун ҳамма имконият бор. Кенг яйловларимиз, мўл-кўл ем-хашагимиз бор. Биз бу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, 1949 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан берилган давлат планини ошириб бажардик. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига жавобан, 1950 йил учун берилган планни ҳам ошириб бажарамиз.

Иттифоқ ҳукумати ва партия Марказий Комитетининг қарори областьнинг Шеробод ва Бойсун районларидаги колхозларга ҳам тез етказилди. Шеробод районидаги «Деҳқонобод» ва «Қизил гул» колхозларининг чорвадорлари қарорни қоракўл тери тайёрлаш планини 100 процент бажариш блан кутиб олдилар. «Қизил гул» колхозининг чорвадорлари давлатга пландан ташқари яна 15 процент қоракўл тери топшириш блан, қўзи сақлаб қолиш планини ҳам тўла бажаришга ва'да бердилар.

Шеробод районининг энг йирик чорвадор колхозлари ҳисобланган «Янги йўл» ва «Чорвадор» колхозларининг чўпонлари қўзилатишнинг дастлабки кунларида яхши муваффақиятга эришмоқдалар. «Янги йўл» колхозининг тажрибакор чўпони Жўра Олларёров 177 совлиқдан 281 қўзи олди. У боқаётган совлиқлардан ҳозирча 67 таси иккитадан, 13 таси учталан қўзилади. Жўра ота партия ва ҳукуматнинг қарорига жавобан, 410 совлиқнинг ҳар 100 тасидан камида 120 талан қўзи олишга сўз берди. Колхозда 1.800 совлиқ қўзилаши керак. Ҳозир 1.110 совлиқ қўзилади. 130 совлиқ эгиз туғди.

«Чорвадор» колхозида ҳам совлиқларнинг ярмидан кўпи қўзилаб бўлди. Колхоз қоракўл тери тайёрлаш планини ҳозирдаёқ 90 процент бажарди.

ВКП(б) Москва область комитетининг пленуми

23 мартда ВКП(б) Москва область комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалани ва Москва областидаги колхоз ҳамда совхозларда кўклам экиш ишлари ва экинларни парвариш қилиш масаласини муҳокама қилди.

ВКП(б) Москва область комитетининг пленуми ўртоқ А. П. Волковни ВКП(б) Москва область Комитетининг секретари ва бюро а'зоси қилиб сайлади. Москва область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. П. Афанасьев ВКП(б) Москва область комитети бюроси а'золигига сайланди.

ВКП(б) Москва область комитетининг пленуми иккинчи масала юзасидан Москва область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ П. М. Скачковнинг докладини эшитди.

Докладчи ва доклад юзасидан музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқлар областьдаги колхоз, совхоз ва МТСлар 1949 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида бирқанча муваффақиятларга эришганликларини та'кидладилар. Колхоз ва совхозлар янги техникадан ва илғор агрономия фанининг ютуқларидан фойдаланиб, дон ва сабзавот экинларининг ҳосили ва ялпи маҳсулотини урушдан аввалги миқдордан ошириб юбордилар; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш плани муддатидан илгари бажарилди; колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда.

Аммо колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишларида ҳали катта камчиликлар бор. Кўп районлардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, ҳарбир колхознинг мўл ҳосил етиштириб, ем-хашак базасини кенгайтириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун катта имкониятлардан фойдаланмадилар.

Пленум қатнашчилари майда колхозларнинг кўплиги область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга халақит бераётган жиддий камчилик эканлигини та'кидладилар. Тажриба майда колхозларда юқори малакали кадрлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан фойдаланиш имконияти чекланганлигини кўрсатади. Бундай колхозларда мураккаб машиналардан фойдаланиш мумкин эмас, ўт далали алмашлаб экиш усулини қўлланиш, маҳсулдор йирик чорвачиликни вужудга келтириш, колхозчиларнинг меҳнат унумини ошириш, меҳнат кунларига кўпроқ ҳақ тўлаш тадбирларини етарли даражада амалга ошириб бўлмайди.

Партия ва совет ташкилотлари тушунтириш ишларини олиб борган бирқанча районларда бирнеча колхоз бирлаштирилиб йириклаштирилмоқда.

Музокарада қатнашган ўртоқларнинг нутқларида ва пленум қарорида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосий восита бўлган МТСларнинг ишларини кескин суратда яхшилаш зарурлиги та'кидлаб ўтилди. Машиналардан яхшироқ фойдаланиш, колхоз хўжалигида кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни машиналаштириш зарур. Колхозлар блан шартномалар тузишга юзаки қараётган ва бу шартномаларга кўпинча риоя қилмаётган, агротехниканинг энг зарур қоидаларини бузганлари ҳолда жазосиз қолаётган МТС раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди.

Пленум қатнашчилари область қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги камчиликлар ҳақида гапириб, партия органлари қишлоқ хўжалигига суст раҳбарлик қилаётганликларини айтдилар. Кўпгина район ва шаҳар партия комитетлари колхозларга раҳбарлик қилишда қишлоқлардаги партия ташкилотларига таяниб иш кўрмайдилар, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни баланд даражага кўтарган эмаслар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар 1949 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар ва давлатнинг колхоз ҳамда совхозларга берган катта ёрдами 1950 йилда областьнинг қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур шароит вужудга келтирганлигини уқтириб ўтдилар. Ҳозирги вақтда партия ва ҳукуматнинг кўклам экиш ишлари тўғрисида чиқарган қарорига мувофиқ ҳарбир колхоз, совхоз ва МТСда экиш ишларига тайёргарликни тезликда тамомлаш зарур.

Ўртоқ Скачков доклади юзасидан бўлган музокараларда кўп ўртоқлар колхозларни мустаҳкамлаш, кўклам экиш ишларига тайёргарлик кўриш соҳасидаги тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Пленумда ВКП(б) Марказий Комитети ва Москва область комитетининг секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Пленум Москва областидаги колхоз ва совхозларда кўклам экиш ишларини ўтказиш ва экинларни парвариш қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. (ТАСС).

Халқ демократияси мамлакатларида



Чехословакия. Суратда: Братиславадаги Сталин номли майдон.
А. Лебедев фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

БУЛҒОРИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МАЙ ОЛДИ МУСОБАҚАСИ

СОФИЯ. Мамлакатдаги меҳнаткашлар ўртасида 1 Май шарафига ўтказилаётган мусобақада қатнашучилар тобора кўпаймоқда. Бу меҳнаткашлар Совет Иттифоқининг тажрибаларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Горна-Ораховица темир йўл депосининг пишчиларидан машинист Христов ва кочегар Иван Ников мусобақага қўшилиб, нормадаги 370 тонна ўрнига 811 тонна вазминдаги составни бошқариб бордилар.

Бутун мамлакатда 20 мартгача 1.550 қишлоқ, 1.002 деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари, 48 та давлат хўжалиги, 23 МТС, 1.255 бригада, шунингдек кооперативларнинг неча мингларб а'золари ва якка хўжаликлар кўклам экиш ишларини тезликда ўтказиш мусобақасига қўшилдилар.

Эртанги экинлар экиш планини бажарган қишлоқларнинг деҳқонлари кўклам экиш ишлари планини муддатидан илгари бажариш, шунингдек боғларини тозалаш ва кўчат ўтказиш учун мусобақа қилмоқдалар.

ВЕНГРИЯ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ МАДАНИЙ САВИЯСИ УСМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия деҳқонларининг маданий савияси йил сайин ўсмоқда. Халқ ҳокимияти барпо қилингандан буён ўтган даврда қишлоқлардаги кутубхоналар сони анча ортди. Ўтган йилнинг охиридаёқ 1.050 деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари ўз кутубхоналарига эга бўлдилар. Кейинги уч йил ичида Венгрия қишлоқларининг меҳнаткашлари кўчма кутубхоналардан 170 минг китоб, я'ни 1912 йилдан тортиб 1945 йилгача бўлганидан олти марта ортиқ китоб олдилар.

Венгрия деҳқонлари орасида «Эркин ўлка кечалари» тез-тез ўтказиб турилади. Бу кечаларда маданий мавзу'ларда суҳбатлар уюштирилади, лекциялар ўқилади, дарслар ўтказилади, китоб, газеталар ўқиб берилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА МИЧУРИН ТА'ЛИМОТИ КЕНГ ЙИЛМОҚДА

ПРАГА. Дун'ёда энг илғор совет агробиология фани Чехословакиядаги қишлоқ хўжалик ўқув юртлари, агробиология илмий ташкилотларидагина эмас, балки мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида ҳам кенг татбиқ қилинмоқда.

Ўтган йилнинг тўртинчи кварталида Чехословакиянинг барча область марказларида чехословакияли мичуринчиларнинг конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда мичуринчиларнинг область клублари ташкил этилди. Бу клубларнинг вазифаси Мичурин та'лимотини ёйиш ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида совет агробиология фанининг ютуқларини татбиқ этишдир.

Чехословакия қишлоқ хўжалик академияси ва илмий-текшириш институтлари Мичурин ва Лисенколарнинг чех тилига таржима қилинган асарларини тарқатмоқдалар.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Тито—Ранкович тўдаси томонидан берилган орденлардан воз кечган албаниялик бир гуруҳ офицер ва хизматчиларнинг шу орденларини Албания Халқ республикаси ташқи ишлар министрлиги Югославиянинг Тиранадаги миссиясига қайтариб берди.

☆

Польшадаги Пен-клуб правлениеси 1949 йилда поляк адабиёти асарларини чет тилларга яхши таржима қилганлик учун бериладиган мукофотни украин шоири Максим Рильскийга берди. Максим Рильский поляк адабиётининг машҳур асарини, я'ни Мицкевичнинг «Пан Тадеуш» поэмасини украин тилига таржима қилган эди.

26 март (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СССР Электр станциялар министрлигига қарашли Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида*)

Фарҳод гидроэлектростанциясини қуриш ва ишга тушириш юзасидан ҳукуматнинг топшириғини муваффақиятли бажарганликлари учун **мукофотлансинлар:**

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

108. **Славин** Моисей Ефимович—«Узбекэнерго» ишлабчиқариш службасининг бирлашма бошлиғи.
109. **Ставилло** Георгий Георгиевич — напор станцияси узелининг планчиси.
110. **Строльцер** Максим Григорьевич—старший прораб.
111. **Строганова** Евгения Михайлович—«Чирчиқстрой» трести монтаж бошқармасининг старший прораби.
112. **Султонова** Екатерина Алексеевна—кран машинисти.
113. **Тезиков** Андрей Михайлович — «Чирчиқстрой» трести ремонт-механика заводи техника бўлимининг бошлиғи.
114. **Тен** Иван Иванович—автопарк цехининг бошлиғи.
115. **Толоконников** Виктор Васильевич — Ўрта Осиё геология бошқармасининг отряд бошлиғи.
116. **Тўхтабоев** Обид—бетончи.
117. **Тузов** Андрей Афанасьевич — планчи.
118. **Тўраев** Аҳмад —Тошкент қишлоқ районидаги Сталин номли колхозининг а'зоси.
119. **Тўраев** Мўмин—мастер.
120. **Турапин** Александр Григорьевич прораб.
121. **Турсунов** Не'матилла—прораб.
122. **Тиртишев** Петр Васильевич — «Чирчиқстрой» трести ремонт-механика заводининг слесари.
123. **Худойчиев** Ҳакимжон—Избоскан районидаги «Коммуна» колхозининг раиси.
124. **Усмонов** Исмат — Калинин районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг раиси.
125. **Устабобоев** Абдулла — Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозининг а'зоси.
126. **Ўтешев** Мажид — Қорасув районидаги Фрунзе номли колхозининг а'зоси.
127. **Хайитова** Турсун—бетончи.
128. **Холиқов** Хусан—бетончи.
129. **Ҳамроқулов** Жўра—ғишт теручи.
130. **Хан** Георгий Иннокентьевич — «Чирчиқстрой» трестига қарашли «Электрошчит» заводининг бош конструктори.
131. **Харюшин** Василий Андрианович —«Средазхиммаш» заводининг инженери.
132. **Ҳасанов** Ғулом — Ўзбекистон ЛКСМ Бекобод район комитетининг секретари.
133. **Ҳатамов** Қўчқор—Норин районидаги Каганович номли колхозининг а'зоси.
134. **Хе**—Хак—Пон—напор станцияси узелининг механиги.
135. **Худойназаров** Кенжа—бошқарманинг шчит навбатчиси.
136. **Цой** Роман—геодезиячи.
137. **Чориев** Муштой—бетончи.
138. **Чернобай** Дмитрий Семенович — Тошкентдаги 1-нчи автобазанинг шофери.
139. **Шодиев** Иззат—ер қазучи.
140. **Шарипов** Ҳамид — ғишт теручи.
141. **Шерман** Матафий Иссакович — диспетчер.
142. **Шкунов** Василий Яковлевич — дурадгор.
143. **Шманцарь** Андрей Владимирович — Сурхондар'ё область алоқа бўлимининг бошлиғи.
144. **Шумкин** Иван Никифорович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ёғоч буюмлар заводининг цех бошлиғи.
145. **Шербанов** Михаил Ефимович — гидротурбина старший машинисти.
146. **Эльберт** Фейг Шимоновна — «Чирчиқстрой» трести монтаж бошқармаси кадрлар секторининг бошлиғи.
147. **Юсупов** Ях'ё—қурилишдаги «Халқ қурилиши» кўп тиражли газетаси редакциясининг мас'ул секретари.
148. **Ёрматов** Ҳалил — Ўзбекистон металлургия заводининг электр монтёри.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Обидов** Рўзимурод — бетончи.
2. **Ажиева** Раҳима — «Фарҳодстрой» дам олиш уйининг ишчиси.
3. **Алиева** Салима — Тошкент область, Қорасув районидаги М. Горький номли колхозининг а'зоси.
4. **Аникин** Антон Степанович—дурадгор.
5. **Арестов** Петр — слесарьлар бригадасининг бошлиғи.
6. **Астонова** Адолат — ер қазучи.
7. **Адҳамов** Абдуқаюм—электр монтёр.
8. **Аҳмедов** Султон — пармаловчи.
9. **Бозоров** Анно — бетончи.
10. **Буламут** Иван Федорович — Сирдар'ё район кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи.
11. **Болтабоев** Ражаббой — Уйчи районидаги Оқсин қишлоқ советининг раиси.
12. **Боқиев** Фозил — бетончи.
13. **Баранов** Алексей Михайлович — ҳарбийлаштирилган соқчилик қисмининг жангчиси.
14. **Баталов** Муҳаммад — дурадгор.
15. **Болтаев** Ғиёс — ер қазучи.
16. **Бондаренко** Ольга Петровна—арматурчи.
17. **Ботиров** Қирғизбой — бетончи.
18. **Бухоров** Омон — бетончи.
19. **Бухорбоев** Алихон — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ғишт заводининг ишчиси.
20. **Валенков** Василий Иванович — слесарь-автоматчи.
21. **Воҳидов** Мурод — бетончи.
22. **Воеводин** Константин Николаевич — «Узбекэнерго» лойиҳалаш-конструкторлик бюросининг инженери.
23. **Волков** Андрей Захарович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ғишт заводининг кочегари.
24. **Воронин** Федор Дмитриевич — дурадгор.
25. **Виходцев** Иван Ефимович — компрессор установкасининг машинисти.
26. **Ғаффоров** Саттор — ёғоч буюмлар заводининг мастери.
27. **Глебов** Иван Семенович — дурадгор.
28. **Гой** Василий Алексеевич — прораб.
29. **Гренадеров** Николай Алексеевич—Ўзбекистон К(б)П Бекобод шаҳар комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири.
30. **Жабборов** Ражаб — ер қазучи.
31. **Жаббарова** Кўпайсин — бетончи.
32. **Жўраев** Лочин — бетончи.
33. **Жумаев** Абдулла — водопроводчи.
34. **Жўрақулов** Шомардон — такелажник.
35. **Евграфов** Сергей Андреевич — Электр станциялар министрлиги «Главгидроэнергострой»ининг старший инженери.
36. **Ежов** Николай Андреевич — бош сув тақсимлагичнинг бошлиғи.
37. **Жилдан** Александра Кирилловна—медицина-санитария бўлимига қарашли касалхонанинг санитари.
38. **Зокиров** Тожиаҳмад — бетончи.
39. **Зоҳидов** Рустам—«Средазхиммаш» заводининг пармаловчиси.
40. **Земесков** Андрей Семенович—кранчи.
41. **Зулфиқорова** Мунаввар — ер қазучи.
42. **Эгамбердиев** Ҳасан — бетончи.
43. **Элмуродов** Мелибой — бетончи.
44. **Инжеватова** Мария Федоровна — Тошкент темир йўли Урсатьевск бўлимининг диспетчери.
45. **Исмоилова** Коммуна — Ўзбек давлат эстрадасининг артисти.
46. **Исоқов** Ғуломжон —Ҳўжаобод районидаги «Мустаҳкам» колхозининг раиси.
47. **Эшбоева** Барчин — бетончи.
48. **Қобилов** Аҳмад — ер қазучи.
49. **Қаюмов** Қилич — Норпой районидаги Охунбобоев номли колхозининг раиси.
50. **Каримов** Жума — ремонт-механика заводининг ишчиси.
51. **Каримов** Худойберди — такилажник.
52. **Каримов** Ҳалим — бетончи.
53. **Каршин** Михаил Васильевич — «Чирчиқстрой» ремонт-механика заводининг мастери.
54. **Қаҳҳорова** Муяссар — бетончи.
55. **Қаюмов** Малик — Тошкентдаги бадиий ва хроника фильмлари студиясининг кинооператори.
56. **Қосимов** Абдуманноп—дурадгор.
57. **Келдиев** Худойберди — вахтёр.
58. **Ким** Андрей — электр монтёр.
59. **Коненко** Просковья Дмитриевна—фельдшерлик пунктининг мудири.
60. **Каримов** Ўроқ —пармаловчи.
61. **Красильников** Андрей Петрович — Хильково цемент заводининг десятниги.
62. **Кубжасаров** Шалкор — «Узбекэривпром» конторасининг портлатучиси.
63. **Қўлдошева** Санобар — бетончи.
64. **Қўлдиев** Эсон—темир йўл мастери.
65. **Литовченко** Прохор Данилович — слесарь-асбобсоз.
66. **Локтионов** Виктор Кузьмич— моторист.
67. **Мақсудов** Мирзо — Ўзбекистон металлургия заводи электр цехининг монтёри.
68. **Мамажонов** Маҳмуд — такилажник.
69. **Маркилова** Пелагея Андреевна — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ёғоч буюмлар заводининг станокчиси.
70. **Матеева** Зинаида Трофимовна—ошпаз.
71. **Мадрасулов** Ораш — Ўзбекистон К(б)П Свердлов район комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.
72. **Мишченко** Петр Григорьевич—слесарь.
73. **Молочников** Александр Васильевич — та'минот бўлими базасининг директори.
74. **Назаров** Турдиқул — бетончи.
75. **Нечаев** Ниль Иванович—бош тўғон бошлиғи.
76. **Николотова** Агриппина Григорьевна — сувоқчи.
77. **Николаев** Иван Константинович — Ўрта Осиё «Гидроэнергопроект»ининг инженери.
78. **Нишонов** Яхшибой—напор станцияси узелининг бригада бошлиғи.
79. **Нурматов** Эсон — дурадгор.
80. **Новиков** Борис Митрофанович — Тошкент шаҳридаги «Под'ёмник» заводи 1-нчи цехининг бошлиғи.
81. **Потапов** Николай Иванович —Ўзбекистон ЛКСМ Андижон область комитетининг бўлим мудири.
82. **Прокаев** Федор Миронович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли «Электрошчит» заводининг токари.
83. **Рустамова** Норхол — бетончи.
84. **Самандаров** Искандар — ер қазучи.
85. **Сатторов** Чирмашқул—бош тўғоннинг ишчиси.
86. **Силантьев** Иван Федорович —нон заводининг мастери.
87. **Смирнов** Александр Петрович — соқчилик қисмининг младший командири.
88. **Степанова** Пелагея Ивановна — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ғишт заводининг кочегари.
89. **Тожибоев** Мамадали — бетончи.
90. **Толипов** Салом — бетончи.
91. **Тошев** Ҳамро — ер қазучи.
92. **Ти** Андрей — Қуйичирчиқ районидаги «Путь к социализму» колхозининг а'зоси.
93. **Титиевский** Давид Соломонович — медицина-санитария бўлимининг врачи.
94. **Тоғоев** Олтибой — бетончи.
95. **Тўхтаев** Худойберди — соқчилик қисмининг ходими.
96. **Тўхтабоев** Маҳмуджон — Тошлоқ районидаги Калинин номли колхозининг раиси.
97. **Токарева** Ольга Сергеевна — «Чирчиқстрой» трестининг бўлим бошлиғи.
98. **Тўхтамуродов** Асад — ер қазучи.
99. **Тулбоев** Олтибой — Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозининг а'зоси.
100. **Турсунов** Содиқ — ер қазучи.
101. **Файзиев** Товон — ер қазучи.
102. **Ҳабибов** Мухтор — юк ортучи.
103. **Ҳаибова** Норчучук — ер қазучи.
104. **Ҳайдаров** Кашбор — моторист.
105. **Холмирзаев** Векмирза — бетончи.
106. **Ҳамидов** Собир — слесарь.
107. **Ҳамроев** Сафар — ер қазучи.
108. **Ҳошимов** Ҳаким — ер қазучи.
109. **Хўжаева** Пошшахон — бетончи.
110. **Холбоев** Содиқжон — бригада бошлиғи.
111. **Цибин** Григорий Евдокимович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ремонт-механика заводининг темирчиси.
112. **Шокиров** Исмоил — бетончи.
113. **Шомансуров** Шомухтор — «Чирчиқстрой» трестига қарашли ёғоч буюмлар заводининг дурадгори.
114. **Шарипов** Юсуф — ғишт теручи.
115. **Шукуров** Бобо — ер қазучи.
116. **Шукуров** Тўхта — ер қазучи
117. **Йўлдошев** Эргаш — ер қазучи.
118. **Юсупов** Мақсудхўжа — радио ахбороти комитетининг музиқачиси.
119. **Юсуфхўжаева** Тошхон — Қорасув районидаги Охунбобоев номли колхозининг а'зоси.
120. **Яблочкин** Григорий Борисович—«Главэлектросбит» Ўзбекистон бўлимининг бошқаручиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ШВЕРНИК.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль.
16 январь, 1950 йил.

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 24 январь, 24 февраль, 8 ва 26 март сонларида босилган.

ЯНГИ КИТОБЛАР

М. И. Калинин — «Колхоз тузуми ва колхозчи хотин-қизлар тўғрисида». Ўздавнашр, 1950 йил, тиражи 10.000, баҳоси 30 тийин.

Қ. Р. Раҳимов — «Ўзбекистонда йигирмабеш йил ичида пахтачиликнинг ривожланиши». Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

С. Зиёдуллаев, И. Манохин — «Совет Ўзбекистонининг социалистик саноати». Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 10.000, баҳоси 3 сўм 40 тийин.

И. Е. Шалашилин — «Ўзбекистонда социалистик пахтачиликнинг ғалабаси». Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 10.000, баҳоси 2 сўм 20 тийин.

«Ўзбекистон ССРда халқ маорифи» (1924—1949 йиллар). **А. Муродхўжаев** таҳрири остида. Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 10.000, баҳоси 2 сўм 60 тийин.

Б. А. Десятчиков — «Ўзбекистонни электрлаштириш». Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 5.000, баҳоси 1 сўм 90 тийин.

П. Н. Дудко, П. В. Донской — «Колхозда қовун нав'ларини яхшилаш усуллари». Ўздавнашр, 1950 йил, тиражи 5.000, баҳоси 90 тийин.

В. Н. Ярцев — «Сувни ҳисобга олиш» (кузатучилар ва колхоз мироблари учун қўлланма). Ўздавнашр, 1950 йил, тиражи 15.000, баҳоси 60 тийин.

П. А. Ковалев, Б. А. Ежков — «Ленин номли колхознинг тутчиликдан иш тажрибаси». Ўздавнашр, 1950 йил, тиражи 1.000, баҳоси 1 сўм 10 тийин.

Профессор **В. Г. Богоров** — «Денгизлар ва океанлар» Ўздавнашр, 1950 йил, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 50 тийин.

А. Федоров — «Яширин обком ҳаракатда». Повесть. Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 5.000, баҳоси 6 сўм 75 тийин.

Н. В. Гоголь — «Диканька қишлоғи оқшомлари». Ўздавнашр, 1949 йил, тиражи 5.000, баҳоси 7 сўм 30 тийин.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирамиз

«Социализм» колхозимиз Шеробод районида йирик пахтакор колхозлардан бири ҳисобланади. Колхозда 11 коммунист ва 15 комсомол бор. Колхоз партия ташкилоти қошида агитколлектив тузилган, агитколлективга ташкилот ҳисобидаги ҳамма коммунистлар ва актив комсомоллар тортилган.

Агитколлективимиз СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловлар даврида катта ташаббус кўрсатди. Агитаторлар бригада ва звеноларда, колхозчиларнинг уйларида сайловолди тушунтириш ишларини намунали олиб бордилар. Уларнинг ёрдами блан «Колхозчилар овози» деган деворий газета ва бригадалар бўйича «Жанговар варақалар» доим чиқариб турилди. Колхоз клубида сайловга доир ҳархил темаларда бирнеча марта лекция, доклад ва суҳбат ўтказилди. Буларга колхозчилар зўр э'тибор ва қизиқиш блан иштирок этдилар.

Биз сайловлар муносабати блан олиб берилган оммавий-сиёсий ишларни бундан кейин ҳам мунтазам давом этдиришга қат'ий бел боғладик. Колхоз партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган умумий мажлисида СССР Олий Советига сайловлар давридаги сиёсий агитация, оммавий-сиёсий ишларнинг якуни ҳамда галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Партия мажлиси бу масала юзасидан агитколлектив раҳбари ўртоқ Ражаб Нормуродовнинг докладини эшитди.

Колхоз коммунистлари кўклам дала ишларини кучайтиришда оммавий-сиёсий агитация катта аҳамиятга эга эканлигини колхоз ҳаётидан олинган мисоллар асосида кўрсатиб бердилар. Абдураҳим Худойберганов бошлиқ 3-нчи бригадада кўклам дала ишларига тайёргарлик сусайиб, айниқса меҳнат интизоми бўшашиб кетган эди. Бригададаги бу беғамлик кайфияти «Колхозчилар овози» деворий газетасида кўрсатиб ўтилди. Бригададаги Қодир Тўраев, Чори Бегимов, Мунаввар Болтаева сингари прогулчилар қаттиқ танқид қилинди. Деворий газетанинг ҳақли танқиди уларга катта ижобий та'сир кўрсатди. Шундан кейин улар ишдан қолмайдиган ва кунлик нормаларини ошириб бажарадиган бўлиб қолдилар.

Партия мажлиси деворий газетанинг ролини янада кучайтириш ва уни ҳар 10 кунда чиқариб туришни агитколлектив олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Шу блан бирга, агитколлективнинг кўклам дала ишларини ўтказиш даври учун тузилган иш плани ҳам тасдиқланди. Иш планида яқин орада қилиниши лозим бўлган оммавий-сиёсий ишлар аниқ кўрсатиб берилган.

Колхозимизда 5 та пахтачилик бригадаси бор. Буларнинг ҳарқайсисига коммунист ва комсомоллардан агитаторлар тайинланди. Бригада ва звенолар бўйича иккита кўчма қизил байроқ та'сис этилди. Бу байроқлар колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг қарори блан, ҳар 10 кунда бир марта алмаштирилиб турилади.

Агитаторлар социалистик мусобақани уюштиришда партия ташкилотининг асосий таянчи ҳисобланади. Агитаторларнинг ташаббуси блан Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати ўқиб тушунтирилгандан кейин, ҳарбир бригада, звено ва айрим колхозчилар икка-якка мажбуриятлар олдилар. Бригада ва звенолар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бир-бирлари блан мусобақа қилмоқдалар. Ўртоқ Ғози Болтаев бошлиқ бригада 44 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олди. Донгдор звено бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, комсомол а'зоси Нозик Бўриева гектаридан 75 центнердан пахта олиш шарти блан, Бибираҳмат Оллоёрова бошлиқ звенони социалистик мусобақага чақирди.

Колхозимиз «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ёш Ленинчи», «Ўзбекистон социалистик қишлоқ хўжалиги» ва бошқа яна 12 номда газета ва журнал олади. Газета ва журналлар колхозга етиб келиши бланоқ, агитпункт орқали бригада ва звенолардаги агитаторларга тарқатилади. Ҳарбир агитатор ўзи биркитилган бригада ва звено а'золарига кундалик газеталарни баланд овоз блан ўқиб эшитдириб туради. СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарори босилган газеталар етиб келиши бланоқ, бу қарор ҳамма бригада ва звенолардаги колхозчиларга ўқиб тушунтирилди.

Колхозчилар партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорига жавобан, кўклам дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказишга киришдилар. Колхозимиз бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олган. Шу кунларда колхознинг барча бригада ва звеноларида ер ҳайдаш ва чигит экиш социалистик мусобақа асосида қизиб кетди. Бу ишга коммунист ва комсомоллар раҳбарлик қилмоқдалар. Коммунист Абдураҳим Жалилов, Ибодат Қурбонова, Хурсанд Бозорова, У. Тўрақулова, Нозик Бўриева, Бибираҳмат Оллоёрова ўртоқлар бошчилигидаги звенолар чигит экишни ҳаммадан олдин тамомладилар. Бу илғор звеноларда чигитни бир текисда ундириб олиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Биз колхозда чигит экишни 1 апрельгача тамомлаш учун курашмоқдамиз.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти барча партиявий, сиёсий ва ташкилий ишларни кўклам экин кампаниясини муваффақиятли ўтказишга қаратди. Шу муносабат блан, агитпункт яхшилаб жиҳозланди ва тегишли қуроллар блан та'минланди.

Ҳарбир бригадада кўчма болалар яслиси, умумий овқатланиш ташкил этилади. Колхознинг йиллик ишлабчиқариш плани тузилди ва бу план очиқ партия мажлисида, кейин эса колхозчиларнинг умумий мажлисида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Шу планга мувофиқ, бригадаларга кунлик ва беш кунлик ишлабчиқариш топшириғи берилади ва унинг бажарилиши устидан доимо назорат қилиб турилади.

Бундан ташқари, бригадаларда социалистик мусобақанинг натижаларини ҳар 10 кунда бир марта якунлаб туриш учун «Бригада куни» э'лон қилинди. Бунда ҳарбир бригадада 10 кун давомида қилинган ишлар текшириб якунланади. Социалистик мусобақа илғорлари аниқланиб, уларнинг ишлари деворий газета ҳамда жанговар варақаларда ёритилади. Илғорларнинг номи Ҳурмат тахтасига ёзилади.

Колхоз экономикасида пахтачилик ва галлачилик асосий роль ўйнайди. Бу икки соҳа йил сайин ривожланаётганлиги туфайли, колхозимиз Шеробод районининг миллионер колхозларидан бирига айланди. Биз ўтган йили қишлоқ хўжалик ишларини яхши якунлаб, давлат олдидаги барча мажбуриятларимизни ошириб бажардик. Ҳарбир меҳнат кунига 3 килограммдан галла ва 10 сўмдан пул тақсимланди. Бу йил даромад бундан ҳам ортади. Ҳозир баҳори дон экиш плани тўла бажарилди. Чигит экишни ҳам ўз муддатида тамомлаймиз. Бунинг учун СССР Олий Советига сайловлар даврида бошланган оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирамиз.

Ўғилой ҲАСАНОВА.

Сурхондар'ё область, Шеробод районидаги «Социализм» колхози бошланғич партия ташкилотининг секретари.

ПРОПАГАНДИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Янгиқўрғон район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими қишлоқ агитаторлари ва пропагандистлари учун 3 кунлик семинар ўтказди. Райондаги агитатор ва пропагандистлардан 300 дан ортиқ киши қатнашган бу семинарга район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Тўйчиев раҳбарлик қилди.

Семинар қатнашчиларига 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашда колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари, деворий газеталарнинг роли, социалистик мусобақани уюштириш темаларида ва халқаро аҳвол тўғрисида бирқанча лекция ўқилди.

П. АЛИХОНОВ.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Большевикча танқид ўрнига сафсатабозлик

«Хоразм ҳақиқати» шу йил 4 январьда чиққан бошмақоласида «большевизмнинг синалган қуроли—танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташлаш» зарурлигини тўғри кўрсатиб ўтди.

Редакциянинг бу ташаббусини ма'қуллаш керак, албатта. Шу бошмақола газетада босилиб чиққанидан буён 3 ой вақт ўтди. Редакция шу вақт ичида ўз саҳифаларида танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш соҳасида нима ишлар қилди?

Шуни айтиш керакки, область меҳнаткашлари олдида турган сиёсий, хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишда газета партия ва совет ташкилотларига етарли ёрдам бермаётир. Газета саҳифаларида саноат корхоналари, партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ишлари ҳақида принципиал танқидий материаллар босилмаётир. Ҳолбуки, яқинда бўлиб ўтган шаҳар, район партия конференцияларида партия ташкилотларининг ишидаги жиддий нуқсонлар очиб ташланган ва айрим раҳбарларнинг иш услубидаги принципиал хато ҳамда камчиликлар тўғри танқид қилинган эди. Чунончи, Урганч район партия ташкилотининг конференцияси танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтди, конференцияда область газетасининг адресига қаратилган жуда тўғри танқидий мулоҳазалар айтилди. Конференция вакиллари газета саҳифаларида танқидий материаллар жуда кам ёритилаётганлигини, ба'зан юзаки, та'сирсиз материаллар босилганини айтдилар.

«Хоразм ҳақиқати» газетаси ходимлари бу танқидлардан ўзлари учун қандай ҳулоса чиқариб олдилар?

Газета редакциясининг катта камчиликларидан бири шуки, редакция конкрет айбдорларни большевикча рўй-рост танқид қилмай, кўпинча, танқиднинг аҳамияти ҳақида умумий гаплар айтиш блан чегараланади. Танқидни кучайтириш ҳақида ва'зхонлик эмас, балки газета саҳифаларида принципиал танқидий мақолалар блан намуна кўрсатиш керак.

Ишимиздаги камчиликлар ва нуқсонларнинг газета саҳифаларида кескин танқид қилиниши, юз берган етишмовчиликларнинг дадиллик блан очиб ташланиши — амалий ишда муваффақият қозонишимизга ёрдам беради.

Танқид камчиликларга йўл қўйган конкрет кишига қаратилгандагина ва танқидий материалда бу кишининг хато ёки камчиликлари тўла очиб ташланган-дагина, та'сирли бўлиши мумкин. «Хоразм ҳақиқати» газетаси эса, доимо танқидий материалларида конкрет шахсларни танқид қилмай, балки «ба'зи раҳбарлар», «айрим партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари», «айрим ходимлар»нигина тилга олади. Редакция ходимларининг, биринчи навбатда, мас'ул муҳаррир ўртоқ Л. Ҳамроевнинг бундай иккиланиши, «сен менга тегма—мен сенга тегмайман» деган позицияда туриб иш олиб бораётганлигини кўрсатади.

Газетанинг 24 февраль сонидаги «Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирайлик» сарлавҳали бошмақоласида шундай деб ёзилади:

«Ба'зи раҳбарлар (?) хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишни кучайтириш зарурлиги ҳақида жуда кўп гапирадилар, аммо хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабатда бўлаётган шахсларга (?) нисбатан либералларча муносабатда бўлмоқдалар».

Шу сатрларни ўқиган ҳарбир газетхонда: «Хўш, хотин-қизларга нисбатан ким, қайси раҳбар, қачен, қандай тарзда бойфеодалларча муносабатда бўлди?» деган ҳақли савол туғилади. Аммо редакция ўз бошмақоласида ёки бошқа бирорта хабарида бу саволга жавоб бермайди, капитализм сарқитларига берилиб кетган шахсларни қаттиқ қоралаб чиқишга жур'ат этолмайди.

Газета ба'зи бошмақолаларида айрим кишиларнинг номларини кўрсатиб танқид қилишга урунади. Газетанинг 4 март сонидаги «Кўкламга тайёргарлик ишидаги қолоқликни тезда тугатайлик» сарлавҳали бошмақолада бундай дейилади:

«Хўш, район, (?) партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари — Воҳидов, Дурумов, Бобожонов, Оллоёров, Муталов ва Паратов ўртоқларнинг фаолиятига қандай баҳо бериш керак?».

Ажабо, юқорида номлари ёзилган ўртоқлар қайси районнинг раҳбарлари, нима гуноҳ қилибдилар, уларнинг камчиликлари нимадан иборат—редакция бу саволга қуйидагича умумий сўзлар блан жавоб беради:

«Улар УзК(б)П Марказий Комитети IV пленуми ва область партия комитетининг V пленуми қарорларидан большевикча хулоса чиқариб олмаётирлар».

Шу бошмақолада Хонқа, Янгиариқ, Хева, Қўшкўпир, Шовот, Хазорасп ва бошқа районларнинг номлари қолоқлар қаторида саналиб ўтилади. Броқ биронта хам районнинг қолоқлик сабаблари тўла кўрсатилмайди. Табиий, бу хилдаги «танқид» партия ташкилотларининг раҳбарларига ёрдам бермайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, редакция ходимлари маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг, илмий муассасалар ва область ташкилотларининг ходимлари блан мустаҳкам алоқада эмаслар. Бунга областьдаги актив ходимларнинг мақолалари газета саҳифаларида жуда кам босилаётганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Газета саҳифалари, кўпинча, редакция ходимлари томонидан идорада ўтириб, чуқур мулоҳаза юритмасдан ёзилган хабар ва мақолалар блан тўлиб чиқади.

Хоразм область комитетининг V пленумида область газетасининг фаолияти ва иш методи қаттиқ танқид қилиниб, газетанинг ишини яхшилаш йўллари кўрсатилган эди. Аммо область партия комитетининг органи пленумнинг бу қарорини қониқарсиз бажармоқда. Ҳарбир партия ва совет ходими, ҳарбир мухбир ва журналист ўртоқ Сталининг танқидсиз олга томон ҳаракат қилиш мумкин эмас, танқид ва ўз-ўзини танқид биз учун сув блан ҳаводек зарур, большевизмнинг кучи асосан шундаки, у танқиддан қўрқмайди ва ўз камчиликларини танқид қилиб, янада олга томон ривожланиш учун бу танқиддан куч ва гайрат олади, деган сўзларини ҳардоим ёдда тутмоғи, доҳининг шу сўзларига ўз иш фаолиятида амал қилмоғи керак.

Ерни сифатли ҳайдаш ва чигитни барвақт экиш — пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир

★

Илғор тракторчиларнинг унумли иши

Фарғона область, Киров районидаги 1-нчи МТСнинг илғор тракторчиси ўртоқ Акбарали Қурбонов «Ленин йўли» колхозида ҳар йили ер ҳайдаш, чигит экиш ва ғўзани культивация қилиш юзасидан берилган топшириқни ошириб бажармоқда.

Колхоз а'золари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарлик тўғрисидаги қарорига жавобан, бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашни кучайтириб юбордилар. Тракторчи ўртоқ Қурбонов партия ва ҳукумат қарорини эшитиб, бу йил яна ҳам яхшироқ ишлашга киришди. У ўзининг 16-нчи сонли НАТИ трактори блан 400 гектар ер ҳайдаш мажбуриятини олди. Ҳозир ўртоқ Қурбонов ҳар куни 7 гектар ўрнига 11—12 гектар ер ҳайдамоқда. У, кейинги бешкунликда 60 гектарга яқин ер ҳайдади.

Ўртоқ Қурбонов блан мусобақадош Каганович номли колхозда ишлаётган тракторчи ўртоқ Ёдгоров ҳам НАТИ трактори блан кунига 10—11 гектар ерни сифатли ҳайдамоқда.

Э. МУҚИМОВ.

Дала ишлари кучайтириб юборилди

Тошкент область, Тошкент қишлоқ районининг пахтакорлари ва сабзавотчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги қарорини зўр қизиқиш блан муҳокама қилмоқдалар. Колхозчилар партия ва ҳукуматнинг бу қарорига жавобан, ерларни тезда ҳайдаш, чигит ва эртаги сабзавотни қисқа муддатда экиб олиш учун курашмоқдалар.

У. Юсупов номли колхознинг ўртоқ Раҳмат Аҳмедов бошлиқ бригадаси 35 гектар пахта ерини юқори сифатли ҳайдаб бўлиб, чигит экишга киришди. Шу колхозга хизмат қилучи ўртоқ Ямин Азизов бошлиқ трактор бригадаси ер ҳайдаш нормасини бир ярим-икки баравар ошиқ бажармоқда. Куйбишев номли колхозда коммунист ўртоқ Тўйчи Акрамов бошлиқ трактор бригадаси ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қарорига жавобан, ер ҳайдаш сур'атини кундан-кун оширмоқда. Бу бригаданинг тракторчилари ХТЗ трактори блан бир кунда 4,2 гектар ўрнига 6—6,5 гектар ер ҳайдамоқдалар.

Райондаги илғор пахтакор колхозлар СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарлик тўғрисидаги қароридан кейин чигит экишни ёппасига қизитиб юбордилар. Куйбишев номли, Навоий номли, Сталин номли, «Қурилиш» колхозларида икки-уч кун ичида 50 гектарга яқин ерга чигит экилди. Навоий номли колхознинг ўртоқ Ҳайдар Умаров бошлиқ бригадаси 30 гектар ерни ҳайдаб бўлиб, 10 гектар ерга чигит экди.

Бу колхозлар партия ва ҳукумат қарори муносабати блан бу йил ҳар гектар ердан 40—45 центнердан пахта ҳосили бериш мажбуриятини олдилар.

Т. АҲМЕДОВ.



Янгийўл районидаги «Коммунист» колхозининг тажриба даласида ер электр қуввати блан ишлайдиган трактор орқали ҳайдалмоқда. Суратда: Янгийўл районидаги 2-нчи МТС нинг тракторчиси комсомол а'зоси ўртоқ Тошпўлат Шомаҳмудов Узбекистон пахта далаларида биринчи марта ишлатилаётган ЭТ—5 трактори блан ер ҳайдамоқда.

А. Ашкинезер фотоси.

ҲАВОЙИ ГРАФИК

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

Яқинда Пастдарғом район қишлоқ хўжалик бўлими барча қишлоқ советларига кўклам дала ишлари — ер ҳайдаш ва чигит экиш графигини юборди. Бундан мақсад — пахта ерларини ҳайдаш ва чигит экишни қисқа муддатда, юқори сифатли қилиб ўтказиш, колхозлардаги барча кучларни дала ишларини тезлатишга сафарбар этишдан иборат эди.

Лекин район қишлоқ хўжалик бўлимининг раҳбарлари (бошлиғи Раҳмонов, бош агрономи Березовский ўртоқлар) қишлоқ совети ва колхозларга график юборган вақтида барча кучларни чигит экишни тезлатишга сафарбар этишни кўзда тутмасдан, балки дала ишларини жиддий кечиктиришга сабаб бўладиган кўрсатмаларни берганлар.

Масалан, Арабхона қишлоқ советига юборилган кўклам ишлари графигида чигит экиш 20 мартда бошланиб, 15 апрельда тамом бўлиши кўрсатилган. Шуни айтиш керакки, бу график қишлоқ советидаги колхозларда бўлган катта имкониятларни сра ҳисобга олмасдан, кабинетда ўтириб юзаки тузилган. Агар иш шу график асосида ташкил этилса, ҳозир колхозларда бўлган трактор ва от-улов кучларининг анча қисми чигит экишда қатнашмаслиги керак. Графикка мувофиқ, бу қишлоқ советидаги колхозлар 20 мартдан 25 мартгача бўлган бешкунликда, нима учундир, фақат 33 гектар ерга чигит экишлари керак. Ҳолбуки, қишлоқ советидаги колхозларнинг пахта экадиган ерлари ўтган йил кузда деярлик шудгор қилинган, ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғит блан озиқлантирилган. Бу ерлар бороналаб экилиши мумкин. Шунинг учун ҳам қишлоқ советидаги айрим колхозларнинг а'золари академик Вильямс усулида ишланган ерларни бороналаб, чигит экмоқдалар. Ўтган бешкунликда қишлоқ советидаги колхозлар, район томонидан берилган графикда белгиланган топшириқда кўрсатилганидан икки марта кўпроқ ерга чигит экдилар.

Графикда қишлоқ советидаги 5 колхоз 26 мартдан 1 апрельгача — олти кунда фақат 110 гектар ерга, я'ни ҳар куни 20 гектардан камроқ ерга чигит экиши кўрсатилган. Барча куч ва имкониятлар чигит экишни тез ва сифатли ўтказишга сафарбар қилинса, бу муддатда қишлоқ советидаги колхозларда бўлган от сеялкаларидан ташқари, фақат 8 трактор сеялкаси блан ҳар куни 80 гектар ерга чигит экиш мумкин.

Район қишлоқ хўжалик бўлими томонидан берилган график апрель ойининг иккинчи ва учинчи бешкунликларида ҳам барча кучларни чигит экишга сафарбар қилишни кўзда тутмайди. Арабхона қишлоқ совети район қишлоқ хўжалиги бўлимидан берилган графикни қабул қилмасдан, чигит экишни анча тезлатишга қаратилган янги график тузди. Лекин график асосида ишлаганда ҳам колхозларда бўлган барча кучни чигитни тез ва сифатли экишга сафарбар этилмай қолади.

Карл Маркс номли колхоз далаларида 1 НАТИ, 1 ХТЗ ва 2 «Универсал» трактори ишлайди. Колхознинг ўзида 8 та от сеялкаси бор. Кунига 20—25 гектар ерга чигит экиш имкониятига эга бўлган бу колхозга ҳар куни 9 гектар ерга чигит экишни мўлжаллаб график берилган. «Қизил қўшин» колхозида 2 та трактор сеялкаси, 10 от сеялкаси бор. Қишлоқ советидан берилган графикка мувофиқ, бу колхоз 20 мартдан 25 мартгача бўлган бешкунликда фақат 40 гектар, 26 мартдан 31 мартгача бўлган олти кунда 55 гектар ерга чигит экиши керак. Район қишлоқ хўжалик бўлими ҳамда қишлоқ совети томонидан берилган графикка мувофиқ, бу колхозда мавжуд бўлган кучнинг ярмидан ҳам чигит экишда фойдаланилмаса бўлади.

Қишлоқ совети томонидан берилган графикда Димитров номли, Тельман номли колхозлар ҳам чигит экишда шошилмасдан ишлашлари кўзда тутилган.

Пастдарғом район қишлоқ хўжалик бўлимининг чигит экишни сун'ий равишда кечиктиришга қаратилган графиги бекор қилиниши, мавжуд кучлардан тўла фойдаланиб, чигит экишни тезлатиш чоралари кўрилиши керак.

Ғ. АШУРОВ.

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АНДИЖОН ОБЛАСТИДА КЎКЛАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЕЧИКАЁТИР»

Ўзбекистон К(б)П Андижон область комитетининг секретари ўртоқ Мирзааҳмедов газетамизнинг шу йил 7 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан танқидий мақола ҳақида қуйидагиларни билдирди:

Область партия комитети газета танқидини бюро мажлисида муҳокама қилиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Область партия комитети партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, шунингдек МТС ва колхоз раҳбарларининг январь ва февраль ойларида етарлик тайёргарлик кўрмаганликларини қайд этиб ўтиб, кўклам дала ишларини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

Область партия комитети область қишлоқ хўжалик бошқармасига, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига кўкламга тайёргарлик ишларидаги кечикиш сабабларини дарҳол муҳокама қилиб, барча тайёргарлик ишларини чигит экиш оммавий равишда бошлаб юборилганга қадар бажариш ҳақида амалий тадбирлар белгилаш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берди.

★

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Чигитни академик Лисенко усулида қиздириб экиш тартиби

Социалистик тўқимачилик саноатимиз пахтакорларимиздан узун толали ва юқори сифатли пахтани кўпроқ етказиб беришни талаб қилади. Бу талабни бажаришда мичуринча биология фани асосидаги янги агротехника усулларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Совет олими академик Т. Д. Лисенко усулида чигитни экиш олдидан қизитиш совет фанининг янги ютуқларидан ҳисобланиб, яхши натижалар берди. Бу соҳада ўтказилган кўп йиллик тажрибалар чигитни қизитиб экиш натижасида унинг униб чиқишини тезлатиш, ўсиш қобилиятини ошириш ва хатосиз кўкариб чиқишини та'минлаганлиги аниқланди. Ғўза туплари қалинлигининг етарли миқдорда бўлиши та'мин этилганда ва ғўза яхши парвариш қилинганда, бундай ғўзалар барвақт гуллаб, эрта очилиши ва ҳосили 8—10 процент кўпайиши мумкин.

Бу соҳада Союз НИХИ марказий селекция станцияси ҳамда Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз лабораториясида ўтказилган 4 йиллик тажриба чигитни академик Лисенко усулида қизитиш унинг тез униб чиқиши, ғўзасининг яхши ривожланиши, ҳосили барвақт етилиши ҳамда 8—10 процент кўп ҳосил беришини кўрсатди.

Чигитни қизитиб экишга тайёрлаш усули қисқача шундан иборат: иссиқ ҳаво чигитни қизитиши натижасида, унинг устки қобиғини қуритади ва ичига ҳаво кирадиган тешиклари равон бўлади, бу илиқ ҳаво чигитнинг сифатини яхшилашга катта ёрдам беради.

Чигит офтобда қизитилади ёки ўт ёқиб иситилади. Чигитни яхшилаб шамоллатиладиган биноларда ҳам қизитиш мумкин. Куннинг тобора исиб бориши колхоз ва совхозларда биринчи навбатда чигитни кўкламнинг очиқ қуёшли кунларида офтобда қизитишга катта шароит туғдирмоқда.

Офтобда қизитиш учун чигит кун тиға жойга 5—7 сантиметр қалинликда ёйилади. Лекин чигитнинг тагига албатта бризент, шолча ёки қанор каби чигитни қуруқ сақлайдиган полослар солиниши шарт.

Чигитни кун қизиганда ёйиб, кун ботиш олдида бир жойга тўплаб, албатта устини ёпиб қўйиш керак. Ёғингарчилик кунларда чигит омборларда сақланиши лозим. Чигитни қизитиш, қуритиш, шамоллатиш яхши натижа бериши учун, уни ёйиб қўйилган жойида, кунига 4—5 марта паншаха блан аралаштириб туриш керак. Ана шу усулда чигитни 5—6 кун давомида қизитиш юқорида айтилган натижаларни беради.

Чигит шу тартибда қанча илгари қизитиб тайёрлаб қўйилса, шунча фойдали бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, чигитни ёйилган жойда ағдариб турган вақтда, унинг тош, тупроқ ва бошқа нарсалар аралашиб, ифлосланишига йўл қўйилмасин.

Иситилган биноларда қизитиш учун чигит ёйилган уйнинг озода бўлиши ва деразалари очиб қўйилиши шарт. Бундай биноларни иситганда, иссиғлик 20 даражага етганда чигитни қизитиш ва қуритишга бошлаш блан, иссиғликни 30—35 даражагача етказиш мумкин.

Чигитни қизитиб, қуритиб, униб чиқиш қобилиятини ошириш учун бундай биноларда икки-уч қаватли сўкчаклар қилиш ва чигитни тахта-полга ҳамда сўкчакларга 5—7 сантиметр қалинликда ёйиш керак. Ёйилган чигит ҳар куни камида 7—8 марта ағдариб турилади. Шу тартибда иситилган биноларда чигит 5—6 кун давомида қизитилади.

Қизитилган чигитларни экиш олдидан гоммоз касалига қарши дорилаш вақтигача қуруқ биноларда бир жойга уюлган ҳолда ёки қоп-қанорларда сақлаш лозим. Чигитни зах ерда, шунингдек поли қуруқ бўлмаган жойларда сақлаш мумкин эмас. Ҳаво дим ва иссиқ бўлган кунларда чигит сақланадиган биноларнинг эшик ва деразалари кун бўйи очиб қўйилиши керак. Токи бу биноларнинг яхши шамоллаши ва чигитнинг сифатли сақланишига шароит туғдирилган бўлсин. Кечқурун ҳавонинг намлиги ошган вақтда, чигит қўйилган биноларнинг эшик-деразалари ёпиб қўйилиши керак.

Агроном С. ҚАЮМОВ.

Қурт боқишга яхши тайёрланмаётирлар

Наманган область, Норин район пиллачилари ўтган йил пилладан мўл ҳосил етиштирган эдилар.

Бу йил район пиллачилари олдида ўтган йилдагига нисбатан анча кўп пилла етиштириш вазифаси турипти. Бу ишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етган Тўда қишлоқ советидаги «Ижтимоиёт», Учтепа қишлоқ советидаги Куйбишев номли, Пахта қишлоқ советидаги «Шўро» ва шу каби илғор колхозлар баҳори қурт боқишга намунали тайёрлик кўриб қўйдилар. Куйбишев номли колхозда (раиси Исмоил Йўлдошев, пиллачилик бригадасининг бошлиги Ҳ. Ботиров ўртоқлар) сўкчаклар, печкалар ва ўтин тайёрлаб қўйилган. Колхозда пиллачилик звеноларида семинар ўтказилди.

Аммо Норин районида бундай колхозлар 4—5 тагина, холос. Районнинг кўпчилик колхозида баҳори қурт боқишга тайёргарлик жуда бўш. Бунга мисол қилиб Кемабоши қишлоқ советидаги «Коминтерн» (раиси ўртоқ Раҳмонов), Катта-Улмас қишлоқ советидаги Сталин номли (раиси ўртоқ Ҳакимов), Каттаяйдоқ қишлоқ советидаги «Янгиобод» ва бошқа колхозларни кўрсатиш мумкин. Бу колхозларда ўтган йилги сўкчаклар бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

Район партия, совет ташкилотлари, биринчи галда район ипакчилик идораси (мудири ўртоқ М. Салохов) бу муҳим ишга жиддий э'тибор беришлари керак.

Қ. АБДУРАҲИМОВ.

Отоқли совет композитори

1917 йилдан олдин ўзбек халқи ўз операси, симфониясига эга эмас эди. Ўзбек халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, коммунистлар партияси ва совет ҳукуматининг доно ленинча-сталинча миллий сиёсати туфайли ҳозирги замон музика маданияти соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

Ҳозирги замон музика сан'атининг кўп асарлари фольклор асосида яратилган. Ўзбек халқининг музика ижоди узоқ тарихга эгадир. Ўзбек халқи ажойиб ашула ва эртакларни бирнеча асрлардан бери сақлаб келмоқда. Бундан ташқари янги совет воқи'лигини акс этдиручи янги ашулалар яратилди ва яратилмоқда. Ҳозирги замон совет сан'атининг янги шаклларини яратишда улуғ рус халқининг, рус совет композиторларининг қардошларча ёрдами катта бўлди. Рус халқининг сан'аткорлари бадиий жиҳатдан юксак ва ғоявий-сиёсий мазмунли асарлар яратдилар. Халққа жуда яқинлик, демократизм, ҳаётни ҳақконият блан акс этдириш — рус композиторлари ижодий фикрининг фазилатларидир.

Музика сан'атидаги бу реалистик йўлларни, Бородин ва Чайковский каби рус композиторларининг усулларини рус совет композиторлари давом этдирмоқдалар. Уларнинг бири ўртоқ Р. М. Глиэр бўлиб, бу композиторнинг ўзбек совет сан'ати соҳасида қилган хизматлари диққатга сазовордир.

★

Рейнгольд Морицевич Глиэр 1875 йил 22 январьда Киевда туғилди. Унинг отаси чолғу асбоблари ясайдиган уста эди. У, ўзининг музика соҳасидаги билимларини болаларига ўргатди. Глиэр оиласининг ҳамма а'золари уста музикачилар эди. Ёш Глиэр скрипкани жуда ёқтирди. Глиэр ёшлигиданок музика асарлари ёзабошлади. У, бошлаб рояльда ва виолончельда ижро этадиган асарлар ёзди. Орадан кўп ўтмай, у, квартет учун музика асарлари ёзишга киришди.

Глиэрнинг ота-оналари унинг музикачи бўлишини истамас эдилар, чунки у вақтларда бу касбдаги кишилар хор-зорликда умр кечирар эдилар. Аммо, Глиэрнинг музикага ҳаваси шу қадар зўр эдики, у, музика соҳасидаги машғулотларини тўхтатиш уёқда турсин, аксинча музика блан кўпроқ шуғулланади.

Глиэр гимназиядаги ўқишни ташламагани ҳолда, 16 ёшида Киев музика мактабига ўқишга киради. У, музика билимларини мана шу пайтдан бошлаб ўрганишга киришади. Унда Москвага бориб ўқиш ҳаваси тобора ортади.

1893 йилда машҳур рус композитори Чайковский Киевга борди ва ўз асарларини ижро этишда дирижёрлик қилди. Бу концертларнинг Глиэрга та'сири жуда катта бўлди, шундан кейин у, Москва консерваториясида ўқиш учун тезлик блан жўнашга аҳд қилди. Москва консерваторияси ёш композиторнинг музика соҳасидаги ижодий ўсишига катта йўл очди. Глиэр Москва консерваториясини 1900 йилда тамомлаб чиқди ва имтиҳондан ўтиш учун Байрон ше'ри асосида «Ер ва осмон» номида бир пардали опера—оратория ёзди.

Глиэр консерваторияни тамомлаб чиққандан сўнг ўқитучилик ва дирижёрлик қилди, музика жамоатчилиги ўртасида танилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Глиэрнинг ижодий фаолияти жуда ўсди. Сан'аткор эркин ижод қилишга энди пайт келганидан қувониб, янги-янги асарлар ярата бошлади.

Глиэр 1920 йилда Москва консерваторияси томонидан композиция бўйича профессорлик вазифасига таклиф қилинди ва бу вазифада ҳозиргача ишлаб келмоқда. Глиэр ўқитган кўп совет композиторлари ва музика арбобларидан Мясковский, Прокофьев, Ревуцкий, Раков, Мосолов, Давиденко ва Ҳачатурянни кўрсатиш мумкин.

Глиэр 1920 йиллардан бошлаб жамоат ишларини ҳам олиб боради. У, Халқ маориф комиссарлиги музика бўлимининг мудири бўлиб ишлайди, ишчи клубларида концертлар ўтказилишига раҳбарлик қилади, шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида ишлайди, бунда Совет Иттифоқи халқларининг музикаларини ўрганишга ғоят катта э'тибор беради.

Совет ҳукумати Глиэрнинг Ватан олдидаги катта хизматларини кўп марта тақдирлади: 1925 йилда Глиэрга РСФСР-да хизмат кўрсатган артист унвони, 1927 йилда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби унвони, 1938 йилда СССР халқ артисти унвони берилди. Глиэр икки марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени блан мукофотланди.

Глиэр—устоз сан'аткор. Улуғворлик, воқианавислик ва ба'зан тарихий-қаҳрамонлик воқиаларини ифодалаш—Глиэр асарларининг асосий хислатларидир. Унинг музикаси жуда оҳангдор. Глиэрнинг жўшқин асарларида ҳаёт жозибадорлиги усталик блан куйланади. Унинг кўпчилик асарлари порлоқ, шодиёна ҳаётни ифодалайди. Глиэр—илғор рус классик музикасининг энг яхши ан'аналарини давом этдиручи сан'аткордир.

Глиэр хилма-хил асарлар яратди. У, жуда кўп камер чолғу асарлари, ашулалар, романслар ёзди. Унинг опералари, балетлари, симфониялари ҳам бор.

Глиэрнинг асарларида биз кўп рус композиторларига жуда хос бўлган хусусиятни, я'ни рус куйларини шарқча куйлар блан боғлаш ҳолларини учратамиз. Масалан, иккинчи симфониянинг охири ана шундайдир. Унинг рус халқ ашула ижодига бўлган ҳаваси—халқ афсонасининг қаҳрамони баҳодир Илья Муромец ҳақида ёзилган учинчи тасвирий симфониясида жуда очиқ кўрилади.

Глиэр ўзининг симфоник асарларида оркестрга вазифа тақсимлашда ва бошқа техника воситалардан, чунончи, полифониядан фойдаланишда зўр маҳорат кўрсатди.

Вокаль музика соҳасида композитор 130 га яқин романс ёзди. Масалан, «Вулбулигўё сайраганда» деган романси, «Ладо» ва бошқа романслари шулар жумласидандир. Глиэр романслари композиция жиҳатидан пухта, ифодали ва оҳангдор бўлиб, фортепиано жўри эса ғоят мазмунли ва мароқлидир.

Глиэр ижодида театр музикаси, я'ни опера ва балет музикаси катта ўрин тутади. Глиэр учта балет ёзган. Булардан «Қизил гул» балети айниқса машҳурдир.

«Қизил гул» балети 1926 йилда ёзилган бўлиб, Совет Иттифоқидаги асосий театрларнинг саҳналарида қўйилди. Бу балет совет воқи'лигидан олиб ёзилган биринчи ва муваффақиятли чиққан балет бўлгани учун ҳам зўр э'тибор қозонди. «Қизил гул» балетида бир томондан совет матрослари ҳамда хитой меҳнаткашлари ва иккинчи томондан хитой буржуазияси блан инглиз офицерларидан иборат икки оламнинг бир-бирига қарши кураши яққол акс этади.

Глиэр рус музикасининг улуғ классиклари Глинка, Бородин, Римский-Корсаков йўлларига эргашиб, ўз асарларида шарқ куйларидан фойдаланади. Глиэр энди асар ёзабошлаган вақтлариданоқ, шарқ халқларининг музика ижодиётига қизиққан эди. 1917 йилдан—революция ғалабасидан кейин бу қизиқиш айниқса кучайди. Партия ва ҳукуматимизнинг ленинча-сталинча миллий сиёсати туфайли совет республикаларида, шу жумладан Ўзбекистонда сан'атнинг равнақ топиши учун мисли кўрилмаган даражада катта шароит яратиб берилди. Ўзбек халқи биринчи марта ўз миллий операсини яратишга киришди. Машҳур совет композитори Глиэр миллий опералар ва музикали драмалар яратишда актив иштирок этган сан'ат арбобларидан бири ҳисобланади.

У, 1925 йилда Озарбайжон халқ музикасини чуқур ўрганиб, «Шоҳсанам» операсини ёзди. Опера либреттоси ошуқ Ғариб тўғрисидаги қадимги халқ эртагини акс этдиради. Озодликка ва тўсқинликларнинг ҳаммасини енгиб ўтишга интилиш—«Шоҳсанам» операсининг асосий ғоясидир.

Машҳур композитор ўртоқ Глиэр Ўзбекистон ССР да музика сан'атини тараққий этдиришда ҳам катта роль ўйнади.

1936 йилда у, Яшин Ну'монов ва Музаффар Муҳаммедовларнинг «Гулсара» драмасига музика ёзди. Пьеса биринчи марта 1936 йилда саҳнага қўйилди. Орадан бир йил ўтгач, «Гулсара» спектакли Ўзбекистон сан'ати ўнкунлиги вақтида Москвада кўрсатилди.

«Гулсара» драмасининг музикаси Ўзбекистон ССР халқ артисти, композитор Тўхтасин Жалилов тўплаган ўзбек куйлари асосида ёзилди. Глиэр музика ёзган вақтида халқ куйларининг аса оҳангларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. «Гулсара»нинг бутун музикасини Глиэр ўзига хос уста сан'аткорлик ва илҳом блан ёзди. Музикага кўп ўрин берилган «Гулсара» асари биринчи марта ёзилган музикали драма бўлиши блан ўзбек музикасини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССР ҳукумати Глиэрнинг хизматини тақдирлаб, унга Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонини берди.

Ёш миллий композиторларнинг рус музика сан'атининг устозлари блан ижодий ҳамкорликда иш олиб боришлари Ўзбекистонда музика маданиятини тараққий этдиришда катта роль ўйнади. Ана шундай биргалашиб иш олиб бориш натижасида биринчи ўзбек опералари, чунончи: Ашрафий ва Василенконинг «Бўрон» операси ҳамда Глиэр блан Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операси яратилди.

1938 йилда биринчи марта саҳнага қўйилган «Лайли ва Мажнун» асари ҳозиргача ҳам ўзбек опера театрининг репертуаридаги асосий асарлардан бири бўлиб келмоқда. Бу операда ўзбек халқи ва классик оҳанглари кўп. «Лайли ва Мажнун» операсининг музикаси ёқимли ва ифодали бўлиши блан ажралиб туради, бу музика операнинг ривожланган шаклларида ёзилган, унга кўп овозли ор, ансамбль ва ариялар қўшилган. Операнинг асосий мазмунини ифодаловчи увертюраси юқори симфоник шаклда ёзилган.

ВКП(б) Марказий Комитетининг сан'ат ва адабиёт ҳақидаги тарихий қарорлари совет сан'атининг бундан сўнгги ривожланиши учун йўл кўрсатиб берди. Ўртоқ Жданов айтганидек, совет музикасида икки оқим ўртасида кураш бораётир: бунинг бири соғлом, халқчил тараққийпарварлик оқимидир. Бу оқим юксак ғоявийлик ва ма'нодор музикани халқ сан'ати блан чуқур, узвий равишда боғлаш асосида иш олиб бораётир. Иккинчи оқим совет сан'ати учун ёт бўлган формализм йўлини тутиб келган эди.

Глиэрнинг ижоди соғлом, халқпарвар, чинакам сан'ат оқимидан бормоқда. Бунга унинг шу йил март ойида Сталин мукофотига сазовор бўлган сўнгги тўртинчи квартети мисол бўлаолади. Бу эса, Глиэр ижодининг тараққийпарварлик моҳиятини кўрсатиб туради. Глиэрнинг тўртинчи квартети ўзининг мундарижаси ва оҳангдорлиги блан ўткир, ёқимли, та'сирли, чинакам халқ музикаси яратиш учун йўл очиб бераётган асарлардан биридир.

Ўзбек халқи, ёш ўзбек совет сан'атининг ходимлари машҳур совет композитори Рейнгольд Морицевич Глиэрнинг ўзбек сан'ати, миллий опера маданияти соҳасида қилган катта хизматларидан чексиз миннатдор. Биз сан'ат ходимлари отоқли совет сан'ат арбобининг ижодий ишларидан намуна олиб, ўзбек опера сан'атининг бундан сўнгги тараққиёти йўлида астойдил ишлаймиз.

МУМТОЗ МУҲАММЕДОВ, Т. ЖАЛИЛОВ, Т. СОДИҚОВ, М. ТУРҒУНБОЕВА, К. ЗОКИРОВ, Н. АҲМЕДОВА, С. БОБОЕВ, Г. ИЗМАЙЛОВА, М. ЛЕВИЕВ.

Варшавада Юлиан Мархлевский хотирасига бағишланган митинг

ВАРШАВА, 25 март. (ТАСС). Бугун Варшавада Польша ва халқаро ишчилар ҳаракатининг отоқли арбоби Юлиан Мархлевский хотирасига бағишланган митинг бўлди.

Митингга Варшава меҳнаткашларидан 100 мингга яқин киши тўпланди ва Польшанинг бошқа шаҳарларидан делегациялар келди.

Митингда Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитетининг раиси Польша республикаси президенти Болеслав Берут, сейм маршали Ковальский, бош министр Циранкевич бошчилигида ҳукумат а'золари, Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитети Сиёсий Бюросининг а'золари, сиёсий партиялар, касаба союзлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Митингда ВКП(б) Марказий Комитетининг вакили, Маркс — Энгельс — Ленин институтининг директори П. Н. Поспелов, Германия Бирлашган социалистлар партиясининг Пауль Меркер бошчилигидаги делегацияси ва Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитетининг таклифига мувофиқ келган София Мархлевская (Мархлевскийнинг қизи), С. З. Дзержинская ва Я. Ф. Дзержинскийлар ҳозир бўлдилар.

Митингда СССР нинг Польшадаги элчиси В. З. Лебедев ва халқ демократияси мамлакатларининг дипломатия вакиллари ҳам қатнашдилар.

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси номидан митингда П. Н. Поспелов нутқ сўзлади.

Германия Бирлашган социалистлар партияси Марказий комитети номидан немис делегациясининг раҳбари Пауль Меркер гапирди.

Сўнгра Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий комитетининг секретари Александр Завадский нутқ сўзлади.

Митингдан кейин Юлиан Мархлевскийнинг жасади махсус мақбарага дафн этилди.

Давлат тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган Умумхитой конференцияси ўз ишини тамомлади

ПЕКИН, 25 март. (ТАСС). Давлат тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш масалалари юзасидан тўқимачилик саноати министрлиги томонидан чақирилган Умумхитой конференцияси ўз ишини тамомлаганлиги Пекин газеталарида хабар қилинди. Конференцияда бирқанча қарорлар, шу жумладан тўқимачилик корхоналарининг 1950 йилги ишлабчиқариш плани ҳақида, корхоналарга раҳбарликни марказлаштириш, молия системасини бирлаштириш, бирхил ишҳақи системасини белгилаш, социал страхование, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа масалалар тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда Халқ-озодлик армияси бош қўмондони Чжу Дэ, меҳнат министри Ли Ли-сань ва тўқимачилар касаба союзини тузишга тайёргарлик кўручи комитет раиси Чень Шао-минь нутқ сўзладилар.

Чжу Дэ ўз нутқида тўқимачилик саноати Хитойда аллақачонлардан буён давом этиб келаётганлигини ва анча мустаҳкам негизга эга эканлигини уқдириб ўтди. У, конференция қатнашчиларини тўқимачилик моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида зўр ғайрат блан ишлашга чақирди.

Ли Ли-сань ва Чень Шао-минь тўқимачилик корхоналарини идора қилиш усулларини демократлаштириш ва адолатли ишҳақи системасини белгилаш тўғрисида гапирдилар.

Вакиллар Марказий халқ ҳукуматининг молия ишларини ва иқтисодий ишларни марказлаштиришга доир барча тадбирларини бутунлай қувватлаганликларини якдиллик блан айтиб, тўқимачилик моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бутун кучларини сарфлашга ва'да бердилар.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА, 26 март. (ТАСС). Ма'лумки, Француз журналистлари миллий касаба союзининг таклифига мувофиқ, Халқаро журналистлар ташкилоти журналистларнинг учинчи халқаро с'ездини 1950 йил 27 мартда Парижда чақиришга қарор қилган эди. Аммо, Халқаро журналистлар ташкилоти бош секретариатининг баёнотида айтилишича, Франция ҳукумати Халқаро журналистлар ташкилотининг бош секретари Гронекнинг ва с'ездда қатнашадиган бошқа кўп вакилларнинг Францияга келишлари учун рухсат беришга унамаганлиги сабабли с'езд Парижда ўтказилмай қолган. Француз журналистларининг норозилигига жавобан Франция ҳукуматининг вакиллари, Франция ҳукумати вакилларга рухсат берилмаганлигидан хабарсиз, деганлар.

Халқаро журналистлар ташкилоти бош секретариатининг баёнотида бундай дейилади: Халқаро журналистлар ташкилотининг мақсади халқаро миқ'ёсда ҳамкорлик барпо қилиш, халқлар ўртасида энг яхши муносабатлар вужудга келтириш, уруш олови ёқучиларни фош қилиш ва тинчлик учун курашдан иборат. Франция ҳукумати с'езднинг чақирилишига имкон бермаганлиги натижасида, сулҳпарвар кучлар томонида эмаслигини ва бунинг устига, Халқаро журналистлар ташкилотини ажратиб юбориш йўлида муваффақиятсиз уруниб кўрган америка доираларининг ҳарбий сиёсатини қувватлаётганини яна бир марта та'кидлади. Франция ҳукуматининг ана шундай йўл тутганлиги орқасида журналистларнинг учунчи халқаро с'езди Францияда эмас, балки меҳмондўст ва эркинроқ бошқа бирор мамлакатда ўтказилади.

УРУШ ХАВФИНИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТУҒДИРМОҚДА

Аббат Бульенинг Норвегиядаги «Дагбладет» газетасида босилиб чиққан баёноти

ОСЛО, 25 март. (ТАСС). «Дагбладет» газетаси тинчлик учун актив курашчи франциялы аббат Бульенинг суҳбатини босиб чиқарди.

«Менинг, — деди Булье, — коммунистлар блан ҳечқандай алоқам йўқ ва мен католик динига асосланган ўз фикримда турамаи. Бизнинг қондаларимизга мувофиқ, уруш жиноятдир, атом бомбаси эса жиноий тарзда жазоланадиган қуролдир. Биз, тажовузкорлик урушини ва атом бомбасини қоралаймиз.

Мен уруш хавфини Америка туғдирмоқда ва уруш олдиндан ишлаб чиқилган жиноий планга мувофиқ тайёрланмоқда деб ҳисоблайман». Менинг бу фикрим,—деди Булье, — СССРдаги тузумнинг қандай бўлишига боғлиқ эмас. Булье сўзини давом этдириб бундай деди: «Худо атом бомбасининг Москвага ёки бошқа бирон мамлакатнинг пойтахтига ташланишини истамайди. Москва ҳам мен айтган фикрда бўлса, у ҳолда мен Москва блан бир фикрда эканлигимдан хурсандман. Америка Қўшма Штатлари ўз манфаатларига дун'ёнинг бирор ерида, жанубдами ёки шимолдами, барибир, халал етказилди деб э'лон қилганида, Атлантик аҳдига мувофиқ, бу аҳдга қўшилган барча мамлакатлар ўз-ўзидан уруш ҳолатига ўтадилар.

Бу эса уруш хавфининг худди ўзгинасидир. Буни кўрмаслик учун кўр бўлиш керак.

Барча халқлар Стокгольмда қабул қилинган мурожаатимизга қўшилишлари керак. Бу мурожаат атом қуролидан ҳарқандай шаклда фойдаланишни қоралайди ва атом бомбасидан биринчи бўлиб фойдаланган ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб топиб, унга ла'нат ўқийди. Тинчлик учун курашаётган бошқа ташкилотлар ҳам бизнинг фикримизга қўшиладилар деб умид қиламиз».

Вьетнам демократик республикаси блан Қурия халқ-демократик республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилишига доир

ПХЕНЬЯН, 25 март. (ТАСС). Газеталарда Вьетнам демократик республикаси президенти Хо Ши Миннинг Қурия халқ-демократик республикаси ташқи ишлар министри Пак Хен Енга юборган телеграммаси э'лон қилинди. Бу телеграмма Пак Хен Еннинг Вьетнам блан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ахборотига жавобдир. Телеграммада бундай дейилади:

Вьетнам демократик республикаси ҳукумати ва вьетнам халқи Қурия халқ-демократик республикаси ҳукуматининг ҳукуматимизни таниганлиги тўғрисидаги хабарни хурсандчилик блан кутиб олдилар. Вьетнам блан Қурия халқ-демократик республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши халқимизнинг жанговар қудратини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Вьетнам халқи француз империалистларини ва халқаро реакцияни тор-мор келтиради ва тинчлик ҳамда халқаро демократия ишини янада мустаҳкамлайди.

Чет эл ёшлари делегацияларининг Италияга келишларига рухсат берилмади

РИМ, 26 март. (ТАСС). «Унита» газетаси хабар беради: Италия ички ишлар министри Шельба Италия ташқи ишлар министрлиги органлари блан маслаҳатлашиб, коммунист ёшлар уюшмасининг 29 мартда Ливорнода очиладиган с'ездига келадиган барча чет эл делегацияларининг Италияга келишларига рухсат бермади.

«Унита» газетаси полициянинг бу антидемократик тадбирига қарши норозилик билдириб, қуйидагиларни ёзади: ҳукумат ма'мурларининг ҳечқандай ўзбошимчалик ҳаракати «Италия демократик ёшларини бошқа мамлакатлардаги ёшлар блан ва даставвал, қаҳрамон совет ёшлари блан боғлаган самимий ҳамкорлик алоқаларини бузаолмайди».

Гаагада Шимолий Атлантик аҳдида қатнашучи мамлакатлар вакилларининг кенгаши

ГААГА, 26 март. (ТАСС). Бугун Гаагада тажовузкорликдан иборат Шимолий Атлантик аҳдида қатнашучи мамлакатлар вакилларининг кенгаши давом этмоқда. Газеталарда босилган хабарларга қараганда, Гаагага чет эл генераллари ва офицерларидан 200 дан кўпроқ киши келган.

Кеча мудофаа комитети ҳузуридаги кичик ҳарбий комитет доимий группасининг кенгаши бўлди. Бу группада генерал Брэдли, генерал Лешер ва фельдмаршал Уильям Слим а'зодир.

Голландия меҳнаткашлари уруш оловини ёқучиларнинг кенгашларига қарши норозилик билдирмоқдалар

ГААГА, 26 март. (ТАСС). Голландия аҳолисининг кенг табақалари тажовузкорликдан иборат Шимолий Атлантик аҳдида қатнашучи мамлакатлар вакилларининг Гаагада бўлаётган ҳарбий кенгашларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Гаага меҳнаткашларидан 8.000 киши «Йўқолсин ҳарбий кенгашлар! Брэдли, мамлакатдан жўнаб кетинг! Ҳечқандай чет эл генераллари керак эмас, Совет Иттифоқига қарши ҳечқандай уруш бўлмасин! Яшасин тинчлик!» деган шиорлар блан шаҳар кўчаларидан ўтдилар. Полиция калтакларни ишга солиб, намойишчилардан йиртқичларча ўч олди.

Ҳарбий тайёргарликларга қарши қаттиқ норозилик билдириш ва уруш оловини ёқучиларнинг кенгашларини тўхтатишни талаб этиш мақсадида Амстердам, Утрехт, Хильверсум ва бошқа шаҳарлардан Гаагага хотин-қизларнинг жуда кўп делегациялари келди.

«Де Ваархейд» газетасида Голландия коммунистлар партияси бош секретари Пауль де Гроотнинг мақоласи босилиб чиқди. Мақолада Гаагада бўлаётган ҳарбий кенгашлар фош қилинади.

Генерал ва адмираллар, — деб ёзади де Гроот, — Совет Иттифоқига қарши жаҳон уруши тайёрлаш планларини тасдиқлаш ниятида Гаагада кенгаш ўтказмоқдалар. Улар Голландия Ғарбий Европада ҳарқандай планлар ишлаб чиқиш учун энг тинч жой деб Голландияда ўз кенгашларини ўтказишга келдилар. Лекин улар янглишдилар. Голландия халқининг кўпчилиги уруш оловини ёқучиларга «йўқ» деб жавоб бермоқда.

Италиядаги ички сиёсий аҳволга доир

РИМ, 26 март. (ТАСС). «Аванти» газетаси Италиянинг ички аҳволини ва де Гаспери ҳукуматининг сиёсатини шархлаб ёзади: «Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти де Гасперидан Атлантик иттифоқи ҳарбий сиёсатига Италиянинг сўзсиз итоат қилишини та'минлашни талаб этади ва бу соҳада ҳечқандай «кутилмаган воқиалар» рўй беришини истамайди. Ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат, шубҳасиз, ана шундай «кутилмаган воқиа» ҳисобланади.

Де Гаспери океаннинг нариги томонидаги хўжайинларига тасалли бериш учун терлаб-пишиб, аҳволни назорат қилиб турибман, итальян халқини ҳарқандай шароитда ҳам «Атлантик аҳди аравасини» тортишга: қурол-яроғ туширишдан бошлаб тажовузкорлик урушида қатнашишгача ҳамма нарсага бемалол мажбур этишга қодирман, деб ишонтиришга урунмоқда».

«Унита» газетаси, Италиядаги ички аҳволнинг кескинлашувига ташқи сиёсат омиллари ва Америка Қўшма Штатларининг таз'йиқи сабаб бўлмоқда, деб ёзади. «Сўнгги вақтда конституцияда кўзда тутилган эркинликларга қилинаётган суиқасд, полициянинг ишчиларга қарши қаратилган сўнгги тадбирлари ва фашизмни тиклашга қаратилган урунишлар, — деб ёзади «Унита» газетаси, — мана буларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатларининг сиёсий ва дипломатия соҳасидаги активлиги ошганлиги блан боғлиқдир. Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқига қарши ҳарбий агрессия тайёрлаш мақсадида Европа мамлакатларидаги ички сиёсий аҳволни ўзгартиришга урунмоқда».

«Унита» газетаси ёзади: «Ачесоннинг ёрдамчиси Перкинс Римда де Гаспери блан қилган суҳбати вақтида ундан меҳнаткашларга қарши полиция чораларини кучайтиришни талаб қилди». Газетанинг ёзишича, Америка Қўшма Штатлари Атлантик шартномасида кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш ниятида, «Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳукуматларидан мамлакат ичида қаттиқ чоралар кўришни талаб қилди: Франция қабиҳ қонунлар чиқаришга мажбур этилди, Италияда Шельба полиция чораларини кучайтириб юборди, Бельгияда эса Леопольд авантюраси ўртага қўйилди».

«Унита» газетасининг ёзишича, «Италиядаги ички аҳвол масаласи Америка Қўшма Штатлари элчиларининг Римдаги кенгашида муҳокама қилинди». «Жорнале делла сера» газетаси ҳам шу ҳақда ёзади. Бу газета, америка элчилари «коммунизмга қарши кураш» масалаларига асосий э'тиборни бердилар, деб та'кидлайди.

«Коррьере делла сера» газетаси, бу кенгаш натижасида «совуқ муносабатлар уруши давом этдирилади» деган хулосага келиш мумкин, деб ёзади.

Италиядаги коммунист депутатларнинг ҳукумат олдига қўйган саволи

РИМ, 26 март. (ТАСС). Тольятти, Гулло, Лонго, Пайетта, Лакони, Мария Маддалена Россилардан иборат коммунист депутатлар гуруҳи депутатлар палатасига министрлар совети раиси ва ички ишлар министри номига саволнома топширди. Бу саволномада «ҳукуматнинг ҳозирги пайтдаги жиддий ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва бу блан мамлакатдаги кескин аҳволни бўшаштириш учун зарур чоралар кўриш ўрнига, конституцияга хилоф фавқулодда тадбирлар кўраётганлигига сабаб нима» деб сўралади ва «бундай фавқулодда тадбирлар мамлакатдаги ички аҳволни янада кескинлаштириши мумкин, холос» дейилади.

Италия батракларини отишда айбдор бўлган кишиларни суд жавобгарлигига тортиш талаб қилинмоқда

РИМ, 25 март. (ТАСС). «Унита» газетаси 21 мартда Лентелла шаҳарчасида меҳнаткашларни ўққа тутишда айбдор бўлган кишиларни суд жавобгарлигига тортиш тўғрисида бир гуруҳ оппозициячи депутатлар томонидан Васто шаҳарчасидаги (Абруцци области) республика прокурорига топширилган талабномани э'лон қилди. Абруцци области депутатларидан Паолуччи, Спаалоне, Корби, Амиконе ва сенатор Жерминьяни қўл қўйган бу ҳужжатда айтиладики, жуда кўп гувоҳларнинг сўзига қараганда, Никола Маттиа ва Космо Маньокко деган икки батракнинг ўлдирилишида карабинерлар корпусининг унтер-офицери Микеле Мускариано ва унинг қўл остидаги оддий аскарлар айблидирлар.

Мускариано «тарқалиб кетиш» ҳақида буйруқ бериши бланоқ ҳечбир важсиз оломонга қаратиб дарҳол ўт очиш тўғрисида команда берган. Ҳар икки батрак турган жойларида ўлдирилган.

Оппозициячи депутатлар талабномада полиция ходимларининг ҳаракати «кишиларни қасддан ўлдиришдан иборат ҳаракат» деб айблайдилар ва, суд ма'мурлари бу жиноятни қилган айбдорларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортсинлар, деб талаб қиладилар. Ҳужжатда бу далилларни тасдиқлайдиган ва воқиани ўз кўзлари блан кўрган 15 гувоҳнинг рўйхати келтирилган.

Югославияда титочилар шайкасининг сайловолди террори тўғрисида «Зери и популлит» газетасининг ёзганлари

ТИРАНА, 24 март. (ТАСС). «Зери и популлит» газетаси «Югославияда озчиликни ташкил қилган албанлар «сайлов» арафасида қаттиқ террор қилинмоқда» сарлавҳали мақолани босиб чиқарди. Мақола фашист Тито тўдасининг қабиҳ найрангларини фош қилади. Тито тўдаси сайлов арафасида, Югославиядаги майда миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гўё та'минланмаган, деб кўрсатишга зўр бериб урунмоқда.

Лекин ҳозирги вақтда, — деб ёзади газета, — Геббельс руҳидаги бу пропагандага ишонадиган содда кишиларни топиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Тито ҳукуматининг Коссово-Метохиядаги (Югославияда озчиликни ташкил қилган албанлар яшаётган областьдаги) албан миллатига қандай таз'йиқ қилганлигини тасаввур этиш учун шуни айтиш кифондирки. Скопледа жойлашган 5-нчи югослав армиясининг асосий кучлари шу областьда тўпланган. Бу ерда қўрқитиш ва дўқ қилишнинг энг ваҳшиёна усуллари қўлланилмоқда. Қўрқитиш ва дўқ қилиш — фашист усул идораларининг қуролидир.

Сайлов арафасида зўравонликни намойиш қилиш блан бирга, — деб ёзади газета, — ваҳшиёна чоралар ҳам кўрилмоқда. Ма'лум бўлишича, биргина Жяковонинг ўзида сўнгги вақтда албан миллатидан 80 дан ортиқ киши қамоққа олинган. Булар орасида кекса коммунист, маҳаллий комитетнинг секретари Ллан Зенуни, ижроия комитети раиси Азиз Алиа ва бошқалар бор. Маҳбуслар блан йиртқичларча муомала қилинмоқда: улар оч қолдирилмоқда, калтакланмоқда ва азобланмоқда.

Жяководагина эмас, балки озчиликни ташкил қилган албанлар яшаб турган бошқа районларда ҳам террор авж олди. Масалан, Биберда шу йил январь ойидан бошлаб кўп киши, шу жумладан илгари миллий-озодлик ҳаракатида қатнашган депутат Иброҳим Дема ва унинг тўртта ўртоғи қамоққа олинди.

Газетанинг ёзишича, Ранкович жаллодлари ватанпарварларни ўлдиришдан ҳам тортинмайдилар. Масалан, фашистлар жяковоли коммунист Чичманни унинг онласи кўз олдида отиб ташлаганлар.

Коссово-Метохиядаги озчилик албан миллатини қаттиқ террор остига олишдан мақсад, — деб ёзади газета, бу райондаги аҳолини доим қўрқитиб туриш, унинг озодлик ва демократик ҳаракатини бостиришдир. Бунда ҳечқандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Югославиядаги сайлов олди кампанияси деб аталган кампания муносабати блан сўнгги вақтда «мас'ул амалдорлар» террорни титочилар найранги блан боғлаб олиб бориш мақсадида Коссово-Метохияга тез-тез келиб турмоқдалар. Сербия министрлар совети раиси Петр Стамболичнинг келиши ва унинг Приштинда сўзлаган нутқи э'тиборни жалб қилади. Бу нутқ Албания халқ республикасига қарши ёлғон ва туҳмат гаплар блан тўлган.

Лекин халқни алдаш унчалик осон эмас. Тито—Ранкович тўдасининг босқинчилигидан қаттиқ азоб чеккан ва ҳали ҳам азоб чекаётган Косово-Метохия аҳолисига «демократик» усул идора ниқоби остида бу территорияда ўрнатилган зўравонлик, одамларни ўлдириш ва осишга асосланган диктатурани мақтаб гапириб бўлмайди.

ПОКИСТОННИНГ ТА'СИС МАЖЛИСИДА

КАРАЧИ, 25 март. (ТАСС). «Доон» газетаси билдиради: Покистоннинг Та'сис мажлисида нутқ сўзлаган Миан Ифтихоруддин «Покистоннинг мустақил ташқи сиёсати йўқ, Покистон Англиянинг ноғорасига ўйнамоқда» деди.

Сўнгра у, Покистон ҳукуматининг ички сиёсатига тўхталиб, адлия ва меҳнат министрлигини «марҳум» деб атади ва, «ижтимоий хавфсизликни қўриқлаш тўғрисидаги қонун» асосида ишчи ташкилотларига қарши кўрилаётган жазо чоралари учун ҳукумат жавобгардир, деди.

Ифтихоруддин Вьетнамни мисол қилиб олиб, мажлис а'золарига қуйидагиларни эслатиб ўтди: 1947 йилда Осиё мамлакатларининг Деҳлида бўлган конференцияси вақтида (бу конференцияда Хо Ши Мин республикасининг вакиллари ҳам қатнашган эдилар) Мусулмонлар иттифоқининг раҳбари Жинна Хо Ши Мин республиканинг вакилларини Вьетнам халқларининг вакиллари деб э'тироф қилган эди.

«Аммо,—деди у,—Англия ҳукумати Хо Ши Минни танимаганлиги сабабли бизнинг ҳукуматимиз ҳам уни танишдан бош тортди. Бизнинг ҳукуматимиз мафкуравий мулоҳазалар блан Хо Ши Мин ҳукуматини танимади. Аммо у Хитойнинг коммунистик ҳукуматини таниди-ку! Англия ҳукуматининг Хитой ҳукуматини таниганлигига сабаб шуки, бу мамлакатдаги саноат корхоналарига инглизлар кўп маблағ сарфлаганлар. Англия Хитой ҳукуматини таниганидан кейин бизнинг ҳукуматимиз ҳам Хитой ҳукуматини таниди. Хо Ши Мин коммунист бўлмаганида ҳам, бизнинг ҳукуматимиз «олий ҳазратлари ҳукумати»нинг буйруғисиз бу ҳукуматни танимаган бўлар ва бу блан Покистонни тузган кишига нисбатан хиёнат қилган бўлар эди».

Ифтихоруддин Покистоннинг Афғонистон блан муносабатларига тўхталиб, Америка ва Ҳиндистон Афғонистондан манфаатдор бўлганликлари орқасида Покистон блан Афғонистон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди, деди.

Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Маҳмуд Ҳусайн нотиқнинг бу сўзларига жавоб қайтарди.

Голландия — Индонезия иттифоқи министрларининг конференциясига доир

ГААГА, 26 март. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Голландия — Индонезия иттифоқи министрларининг 25 мартда Жекартада бошланган конференцияси «қийин вазиятда» ўтмоқда. Молиявий-иқтисодий масалаларда ва янги Гвинея низоми масаласида голландиялиларнинг тутган йўли блан индонезларнинг тутган йўли бирбиридан кескин фарқ қилади.

Матбуотнинг ёзишича, Янги Гвинеяни Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий базасига айлантиришга интилаётган америкалилар бу келишмовчиликлардан фойдаланмоқдалар.

Туркия блан Италия ўртасида «дўстлик ва тинчлик тўғрисида шартнома» имзоланди

АНҚАРА, 25 март (ТАСС) Анатоли агентлиги 24 мартда Римда Туркия блан Италия ўртасида «дўстлик ва тинчлик тўғрисида шартнома» деб аталган шартнома имзоланганлиги ҳақидаги расмий хабарни э'лон қилди.

Япония шахтёрлари иш ташладилар

ЛОНДОН, 26 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Токиодаги мухбири хабар беради: шахтёрлар союзининг раҳбарлиги қуйидаги хабарни э'лон қилди: ишҳақини ошириш тўғрисидаги музокаралар тўхтаб қолгандан кейин Япония шахтёрларидан 300 мингдан ортиқ киши кеча иш ташлади.

Америка франкочилар Испаниясига қарз бермоқда

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). «Нэйшнл сити бэнк оф Нью-Йорк» франкочилар Испаниясига 20 миллион доллар миқдорида қарз берганлигини хабар қилди. Бундан аввал франкочилар Испанияси «Чейз нэйшн бэнк» дан 25 миллион доллар миқдорида қарз олган эди.

Мас'ул муҳаррир:
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28 мартда кундуз **Коппелия**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28 мартда **Алпомиш**, 29 мартда **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари ва классик курашлар**. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

«ИСКРА» — 1-нчи залда кечқурун **Цирк артистлари**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кечқурун **Андалузия кечалари**.

«РОДИНА» кинотеатрида кундуз ва кечқурун, «НАВОИЙ», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида кечқурун

БИЗНИНГ ҲАЛОЛ РИЗҚИМИЗ

деган янги бадиий фильм кўрсатилади.

Электр саноати министрлигининг
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА
ишлабчиқариш бўлимининг бошлиғи, диспетчерлар, металлни қиздирмасдан ишлаш инженерлари ва техниклар, механик инженерлар ва техниклар, асбоб-ускуна бўйича конструктор инженерлар ва техниклар, мастерлар, юкчилар

КЕРАК

Болгарские огороди кўчаси, 43-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (5-нчи трамвайнинг «Қорасув» остановкаси). Телефон — 37-217, коммутатор — 38-343.

«ТАШГОРКИНО» БОШҚАРМАСИ
1950 йил 31 мартгача
болалар китоби ҳафтасига бағишланган

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗАДИ.

Кинофестиваль кунлари қуйидаги фильмлар кўрсатилади:

«НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИДА
28, 29/III да — **Гўзал Василиса**,
30, 31/III да — **Зоя**.

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА
31/III гача—**Пўлат қандай тобланди**.

«ЁШ ГВАРДИЯ»ДА
28, 29/III да—**Ўн беш ёшли капитан**.
30, 31/III да — **Ўлмас Кашчей**.

«ЎЗБЕКИСТОН»ДА
31/III гача — **Чўртан балиқнинг амри блан**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
28, 29/III да — **Дубровский**,
30, 31/III да — **Капитан Грантнинг болалари**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
28/III да — **Полк ўғли**,
29, 30, 31/III да — **Қаҳрамоннинг укаси**.

ЎРТА ОСИЁ КУРОРТ КОНТОРАСИ
2-нчи квартал учун
МАРКАЗИЙ КУРОРТЛАРГА АМБУЛАТОРИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТАБОШЛАДИ

Конторанинг адреси: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 23-нчи уй. Телефон — 31-846.

Дарахт ва ўсимликларнинг ҳашарот ва касалликларига қарши курашучи Тошкент шаҳар станцияси

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг 1950 йил 21 февральдаги 1-нчи сон мажбурий фармойишига мувофиқ,

ҳашарот ва касалликлари бўлган

БОҒ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ, МЕВАСИЗ ДАРАХТ ВА ГУЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ ҲАМ ДОРИЛАШ УЧУН

ҳамма кишилардан, корхона ва давлат ташкилотларидан

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТДИРАДИ

Иш кунларида эрталаб соат 9 дан кундуз 12 гача мурожаат қилинсин. Станциянинг адреси: Кафанов кўчаси, Безимянний переулок, 2-нчи уй. Телефон—30-686.

Худди шу жойда, ўсимликларни ўзлари дориламоқчи бўлган кишиларга ва ташкилотларга аппаратларни ижарага беручи пункт очилган.

Доим ишлаш учун:
электрик инженерлар, технолог инженерлар, физик инженерлар, конструктор инженер, товаровед

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чирчиқ-Горний станциясида «Электрокабель» заводининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон—36-072.

Дархон кўча, 52-нчи уйда туручи **Шукур** Турсуновнинг Чархкамолон кўча, 19-нчи уйда туручи Қумри Зуҳуровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳри доирасидаги
АРИҚ СУВИДАН ФОЙДАЛАНУЧИ
корхоналар (тегирмонлар, пахта тозалаш ишхоналари) заводлар, фабрикалар, ёрдамчи хўжаликлар, пионер лагерьлари, болалар санаториялари, дам олиш уйлари, парклар ва бошқалар
ўзлари турган жойлардаги райкомхозларга
шу йил 1 апрельгача
СУВ УЧУН ЗАЯВКА БЕРИШЛАРИ ЛОЗИМ

Кўрсатилган муддатгача сувга заявка бермаган корхоналар 1950 йилда сув блан та'минлаш планига киритилмайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА
Тошкентда ва жойларда:
қурилиш конторалари ва леспромхознинг бош инженерлари, ишлабчиқариш-техника бўлимларининг бошлиқлари, трестнинг ва область қурилиш контораларининг инженерлари ва старший инженерлари, инженер-инспекторлар, старший прораб, механик, лойиҳа тузучи, смета тузучи, тадқиқотчи, трест план бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаш учун
бинокор, механик, электрик, тадқиқотчи, смета ва лойиҳа тузучи
ИНЖЕНЕРЛАР ВА ТЕХНИКЛАР,
шунингдек трест бош бухгалтерининг ўринбосари, бухгалтерлар, молиячи экономистлар, қурилиш ва ёғоч ишлаш корхоналарига десятник мастерлар

КЕРАК

Трестнинг адреси: Тошкент шаҳар, Асака кўчаси, 24-нчи уй.

Республикадаги маданий-оқартув муассасалари, мактаблар ва бошқа ташкилотларнинг

КУТУБХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

КУТУБХОНА КОЛЛЕКТОРИГА
кўп миқдорда

ҲАРХИЛ КИТОБЛАР

(бадиий китоблар, болалар ва мактаблар учун китоблар, социал-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва техникага доир китоблар)

КЕЛТИРИЛДИ

Кутубхона коллекторидан китоб олишни хоҳлаган кутубхоналар тездан коллекторнинг Госбанк Тошкент шаҳар бошқармасидаги 150224 сон расчёт счётига пул ўтказишлари лозим.

1950 йилга шартнома тузиш учун, кутубхона коллекторидан талаб қилиб олинадиган бланкаларга тегишли ма'лумотларни ёзиб юбориш зарур.

Кутубхона коллекторининг адреси: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 36-нчи уй, «Узбеккнижторг»нинг кутубхоналар коллектори.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
мастер, старший мастер ва участка бошлиқлари бўлиб ишлаш учун
қуйиш, темирчилик, штамповка ва инструмент ишига

МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

Завод оилалиларни квартира блан, ёлғизларни ётоқ блан та'минлайди.

Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2-нчи трамвайнинг «Ғидростанция» остановкаси ёнида).

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
кинотеатрларда кўрсатиш учун:

Совет Қозоғистони, Янги ҳаёт

деган янги ҳужжатли-хроника фильмлари чиқаради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ 7-НЧИ ЗАВОДИ
Республикадаги корхона, ташкилот ва колхозларнинг
ҳархил қувватдаги
ЭЛЕКТРОМОТОР, ГЕНЕРАТОР, ДИНАМОМАШИНА ВА ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИ
РЕМОНТ ҚИЛАДИ,
шунингдек
электродвигательларнинг подшипникларини алиштириб беради.

Заводнинг адреси: Тошкент шаҳар, Леваневский кўчаси, 2-нчи уй. Телефон — 38-145 ва 36-453, қўшимча телефон — 22.

Чилонзор кўча, 68-нчи уйда туручи **Миродил Комиловнинг** Беш'ёғоч кўчаси, 212-нчи уйда туручи Тўхта Йўлдошевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334. «Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Нашр. № 1329. Р. 00874.